БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 12 декабрь Чоршанба
№ 237 (13.673).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

## Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

# АХБОРОТ

1990 йил 10 декабрь куни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Пленуми иш бошлади. Пленум муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилди:

1. Иттифоқ шартномасининг концепцияси ва партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида.

2. Марказий комитетнинг амалий иши масалалари.

Биринчи масала юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев маъруза қилди.

Пленум ишида КПСС Марказий Назорат комиссиясининг аъзолари, шунингдек жумҳурият партия комитетларининг, ўлка, вилоят ва округ партия комитетларининг КПСС Марказий органлари таркибига кирмаган биринчи котиблари, КПССдан сайланган ССЖИ халқ депутатлари, партия рўзномалари ва ойномаларининг муҳаррирлари, баъзи идоралар ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашмоқдалар.

Мунозарада Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. П. Рубикс, Молдова Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби П. К. Лучинский, Архангельск вилояти ненецлар округи партия комитетининг биринчи котиби Ю. С. Романов, Совет Армияси ва Ҳарбий денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи Н. И. Шляга, Эстония Компартияси Таллинн шаҳри Калинин ноҳия комитетининг биринчи котиби Л. Э. Аннус, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С. И. Гуренко, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. А. Малофеев, Калининград вилоят партия комитетининг иккинчи котиби А. С. Савкин, Қозоғистон ССЖ Олий Кенгашининг раиси Е. М. Асанбоев, РСФСЖ Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. Н. Ильин, С. М. Киров номли Озарбайжон Давлат дорилфунунининг кафедра мудири М. Ф. Меликова, Москвадаги «Мосавтотранс» тармоқлараро ишлаб чиқариш-транспорт бирлашмасига қарашли 16-автомобиль-йўл комбинатининг ҳайдовчилар бригадири И. Н. Фомин, Литва Компартияси (КПСС) Марказий Комитетининг биринчи котиби М. М. Бурокявичюс, Туркманистон ССЖдаги «Совет Туркманистони» жамоа хўжалиги — агрофирмасининг раиси М. Сопиев, ССЖИ Олий Кенгаши Миллатлар кенгаши раисининг ўринбосари Б. И. Олейник, Ўзбекистон Компартияси Бухоро вилоят комитетининг биринчи котиби Д. С. Ёдгоров, «Газ» ишлаб чиқариш бирлашмаси Нижний Новгород автомобиль заводининг темирчиси Н. П. Кустарев, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат дорилфунуни иқтисод факультетининг доценти А. В. Бузгалин, Мариуполь шаҳридаги «Азовмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр пайвандчиси В. А. Гайворонский, Кабарда-Болқория жумҳурият партия комитетининг биринчи котиби Б. М. Зумакулов, Ф. Э. Дзержинский номидаги Харьков ҳуқуқшунослик илмгоҳининг ректори В. Я. Тацний, Пермь вилояти Березники шаҳридаги «Уралкалий» ишлаб чиқариш бирлашмаси кон комбайнининг машинисти Г. А. Смирнов, Ереван Давлат дорилфунунини кафедра мудири Ю. И. Мкртумян, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг кафедра мудири А. А. Сергеев, Украина ССЖ Олий Кенгашининг раиси Л. М. Кравчук, ССЖИ Маданият вазири Н. Н. Губенко, Вильнюс шаҳридаги «Сигма» Литва ишлаб чиқариш бирлашмасининг сайқалчиси С. Л. Толяутас сўзга чиқдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Таҳрир комиссияси номидан КПСС Марказий Комитетининг котиби А. С. Дзасохов сўзга чиқди.

Ёш муаллимлар



## Ўйламай иложинг қанча

ЎТГАН ЙИЛНИНГ куз ойлари эди. Фрунзе ноҳиясидаги 144-мактабга битирувчи синф ўқувчилари билан учрашувга бордик. Мактаб дарвозаси олдида икки қизалоқ суҳбатлашиб турарди.

— Сени контур картанг борми? — сўради бирови.

— Йўқ, нимайди? — ҳайрон бўлди иккинчиси.

— Ахир, бугун Маъруфа опамнинг дарслари бор-ку. Эсингдан чиқдими?

— Вой, яхшиям, эслатдинг. Сеники борми?

— Йўқ-да.

— Юр, бўлмаса, дўконга бориб келамиз.

Бир донишманд катталарга баҳо беришда болаларнинг ҳам фикрларига қулоқ солиш керак, деган экан. Шу икки қизалоқ ўқитувчисининг хафа бўлмаслигини истаётган экан, демак, Маъруфа уларнинг ишончини қозона олган, унинг қайси бир жиҳати — ё таълим бериши, ё юриш-туриши, гап-сўзи уларга маъқул бўлган. Эсимда: биз математика дарсини сира ёқтирмас эдик. Янги ўқитувчи келгач, бу фанга бўлган иштиёқимиз ортди. Муаллимимиз жуда ҳушчақчақ, ёқимтой киши эди. Унинг ҳар бир гапини ўзлаштириб олишга ҳаракат қилардик. Мактабда унга ўхшашни хоҳламаган ўқувчи деярли йўқ эди. Маъруфа ҳам ана шу жиҳатлари билан ўқувчиларининг меҳрини қозонган бўлса, ажабмас!

Уни учратишимиз анча қийин бўлди. Мактаб ишлари билан банд экан. Ўқитувчилар хонасига кирсак, директорнинг кабинетида дейишди. Лекин у ерда ҳам учратолмадик. Биздан бир дақиқа олдин чиқиб кетибди. Ноилож, дарс ўтиши керак бўлган синфхона эшиги олдида пойлаб турдик.

— Жуғрофия дарси ёқадими сизларга? — сўраймиз болалардан.

Жуғрофия сўзи уларга ғалати эшитилди шекилли жилмайиб қўйишди.

— Бу дарсни яхши кўришларингга сабаб нима?

— Авваламбор, бу — ғоят қизиқарли фан. Қолаверса, Маъруфа опамиз ҳеч зериктирмайдилар бизни.

Беихтиёр, машҳур фаранг ёзувчиси Анри Барбюснинг қуйидаги сўзлари эсга тушади: «Мактаб вояга етаётган авлод тафаккурининг шакллантириш устахонасидир; агар келажакни қўлдан чиқаришни истамасанг, мактабни маҳкам тутмоғинг лозим». «Мактабни маҳкам тутмоқ» — бу, биринчи галда, ўқувчининг эртасини, унинг билим олишга бўлган иштиёқини кучайтириш дегани эмасми?!

Бундан ўн, ўн икки йиллар олдинги бир воқеа сира эсимдан чиқмайди.

Бизни яна яганага чиқарадиган бўлишди. Юқори синф ўқувчилари эмасмизми, кўнглимиздаги оғриқни яширмадик.

— Бунақада қандай билим оламиз, домла! — дедик куюниб.

Ўқитувчимизнинг зардаси қайнаб турган экан шекилли, аччиғи чиқди.

— Давлат биздан билимли кишиларни талаб қилаётгани йўқ.

Билдикки, у ҳам изтиробда. Қўлимизни ювиб, қўлтиғимизга урдик. Умуман, айтиш керакки, биз билан ўн йил бир партада ўтириб, ҳарф анимай чиққанлар ҳам бўлди. Саксон нафар йигит-қиздан ҳозирги кунда икки-учтаси дипломли, холос.

Маъруфа билан суҳбатимиз ҳам шу мавзудан бошланди.

— Мамлакатнинг гуллаб-яшнаши қаердан бошланади, дея мендан сўрасалар, — дейди у, — мактабдан, деб жавоб берган бўлардим. Мана, Японияни олинг. Улар ҳеч қанақа инқилоб, ур-сур қилишгани йўқ. Бор кучларини мактабга ташлашди, маблағни аяшмади. Натижада-чи? Натижада билимли кишилар мамлакатни тубдан ўзгартириб юборишди. Бизникилар эса ҳамон эсанкираш чўлларида оқсаб юришибди.

Ҳозирги түс-тўполон давр ҳам мактабга таъсир ўтказмасдан қолмади. Узоқ йиллар давом этган зўраки инқилобий жараён минг йиллик ажойиб қадриятларимизнинг кулини кўкка совурган эди. Айни кундаги оврупоча машмашалар совуғи эса қолганларининг гулларини ҳам тўкиб юборди. Шу жиҳатдан қараганда ҳозирги ўзбек ўқувчисига дарс бериш анча-мунча мураккаб бўлса борки, осон эмас.

Алданган қалбда нафрат ғалаён қилади. Кези келганда, ўқувчи юрагидаги аламни ҳам яширмаяпти. Ўзингиз ўйланг, «Бизни шу давргача алдаган экансизлар», дея нафрат билан гапирган ўқувчини қандай гап билан овунтириш мумкин? Манман деган ўқитувчи ҳам довдираб қолаяпти-ку бундай пайтларда.

Ўтган йили ўзи раҳбарлик қилган синф ўқувчилари мактабни битириб чиқишди. Олти йил уларга бошчилик қилди. Олти йил азоб тортди. Ҳамон уларни ўйлайди. Устоз — онадек, отадек гап экан. Уларнинг тақдири — сенинг тақдиринг. Уларнинг қувончи сенинг қувончинг бўлиб қоларкан. Устозлари ҳам бир пайтлар унинг келажаги билан қизиққан эдилар. Даврнинг айланишини қаранг.

— Мактабга эътиборни янада кучайтиришимиз керак, — дейди у. — Бу гапни ўқитувчи бўлганим учун айтаётганим йўқ. Келажак учун ҳамма жавобгар. Биринчи галда, албатта, ўқитувчи бу тўғрида бош қотирмоғи лозим. Ўқитувчининг ўқитувчи бўлиши эса унга яратилган шарт-шароитга қараб белгиланади. Бола-чақа, рўзғор ташвиши билан, яхши яшайман деб зўрма-зўраки толиқиш ҳеч кимга фойда келтирмайди. Жумҳуриятимизда ўқитувчиларга озми-кўпми ғамхўрлик кўрсатиляпти. Лекин бу ҳали денгиздан томчи. Уларнинг моддий-маънавий томонлари янада яхшиланмас экан, ҳеч нимага эришиб бўлмайди. Яна битта муаммо: мактаб — нозик жой. Шундай экан, энг муносиб йигит-қизларнинг ўқитувчи бўлиб етишишларига шарт-шароит яратиб бериш, шундай муҳитни вужудга келтириш лозим.

МАЪРУФА Файзиева ҳақида узоқ ҳикоя қилиш мумкин. Дардлари, ташвишлари беҳад кўп. Унинг ўзи айтганидек келажак бугун униб-ўсаётган болалар қўлида, уларнинг уддабурон, билимли бўлиб етишишлари сенинг зиммангда экан, ўйламай иложинг қанча!

Тўлқин ҲАЙИТ.

СУРАТДА: Тошкент шаҳридаги 144-мактабнинг жуғрофия ўқитувчиси М. Файзиева.

Жўра БОБОРАҲМАТ тасвирлари.

### ХИВА ЧИННИСИ

Жумҳурият маҳаллий саноат вазирлиги Хива бадиий-сопол буюмлар заводи ҳузуридаги чинни цехида кўркам чойнаклар, пиёлалар, ёдгорлик буюмлари ишлаб чиқарила бошланди.

Корхона замонавий техника ва чинни идишлар ишлаб чиқариш илғор технологияси билан жиҳозланган. Машина-ускуналарнинг бир қисмини бу ерга Ғарбий Европа мамлакатлари фирмалари етказиб берди. Буюмларни пишириш печларини ленинградликлар юборишди.

Улкан цех корпусининг йиғма конструкцияси ҳам одатдан ташқари кўринишга эга. Унинг умумий фойдали майдони икки минг квадрат метрни ташкил этади. Барча ишлаб чиқариш участкалари, тайёр маҳсулот сақланадиган омборлар, бошқарув хизматлари шу ерда жойлашган.

Цехни «Узместстрой» трестининг Урганчдаги тузатиш-қурилиш бошқармаси жамоаси қурди. Бу ерда қувватлар тўла ўзлаштирилиши билан йилига бир миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Хоразм вилояти.

### ИЖАРАНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ КАТТА

Сариосиё шағал-саралаш заводида йиллик режа муддатидан олдин бажарилди. Жумҳуриятнинг турли минтақаларидаги истеъмолчиларга уч юз минг куб метрдан кўпроқ инерт материаллар жўнатилди. Ижарага ўтилиши муваффақиятнинг асосий гарови бўлди.

Завод ходимлари мустақилликка эга бўлгач, ишга кўпроқ масъулият билан муносабатда бўла бошладилар, меҳнат унумдорлиги ошди. Шу билан бирга иш ҳақи ҳам ошди — бир ойлик ўртача қўшимча ҳақ 40 сўмни ташкил этди. Янги техника сотиб олиш учун ҳам маблағ пайдо бўлди. Ҳозир бу ерда янги қуритиш жойи, ижтимоий-маданий-маиший объектлар қурилмоқда.

— Ижара имкониятларимизнинг ўзига хос синови бўлди, — дейди завод директори Х. Ҳасанов. — Ҳозир биз корхонани сотиб олиш, уни жамоа мулкига айлантириш тўғрисидаги масалани ўртага қўймоқдамиз.

Сурхондарё вилояти (ЎзТАГ).

## Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездининг қарори

**«Ёшлар иттифоқини янгилаш, йигит-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, мустақил жумҳуриятимизни ривожлантириш мақсадида ёш авлодни жипслаштириш учун»**

1. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг «Ёшлар иттифоқини янгилаш, йигит ва қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, мустақил жумҳуриятимизни ривожлантириш мақсадида ёш авлодни жипслаштириш учун» ҳисобот маърузаси маълумот учун қабул қилинсин. Марказий Қўмита маърузасида билдирилган баҳо ва мулоҳазалар тўғри деб топилсин.

2. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг ҳисобот давридаги иши қониқарли деб топилсин.

3. БЛКЁИ XXIII съездига тайёргарлик муносабати билан ва унинг иш якунлари жумҳурият комсомол ташкилотининг фаолиятига таъсир қилиши мумкинлигини инобатга олиб, Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездининг иккинчи босқичини ўтказиш мумкин деб ҳисоблансин.

Съезднинг иккинчи босқичини ўтказиш зарурлиги масаласини ҳал қилиш, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасига топширилсин.


Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг пленуми томонидан XXIV съезднинг иккинчи босқичини чақириш тўғрисида қарор қабул қилингандан бошлаб XXIV съезд делегатларининг ваколати узайтирилган ва ҳақиқий деб топилсин.

Шу сонга хабар

## Асрлар қаъридан

Азалдан маърифатга, илмга интилган ота-боболаримиз авлодларга илмнинг турли соҳаларида битмас-туганмас хазиналар қолдирдилар. Афсуски, мавҳум ақидалар билан басир этилган — биз улар илмига беписандлик қилдик. Бу улкан меросни кўзимиздан яшириб, донишманд боболарни саводсизга чиқарганларида манқуртларча уларга ишониб кетавердик.

Бугунги кунда айрим фидойилар ташаббуси билан ўша бой меросининг ёнғинлардан, талонлардан омон қолган зарралари ўз ворисларига етиб бормоқда. Ер юзининг сайқали бўлмиш Самарқанддаги Ўзбекистон тарихи, маданияти ва санъати Давлат музейи залларида айни пайтда кўргазмага қўйилган ҳаттотлик санъати намуналари шулар жумласидандир. «Шарқ қўлёзма мероси» деб номланган ушбу кўргазмада Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тартиб берилган қўлёзмалар намойиш этилмоқда.



Ундан дин, табиат, фалсафа, жуғрофия, тиббиёт, деҳқончилик, қонуншуносликка оид адабиётлар ўрин олган.

Кўргазманинг марказидан 50 йилдан буён сақланаётганига қарамай, илк бор намойиш этилаётган, бўйи ва эни 1-1,5 метрни ташкил этадиган муқаддас Қуръон китоби жой олган. Тайёрлашда дарахтларнинг турли хиллари қўлланган бу Қуръон Бухоро амири Насруллохон буйруғига кўра ҳаттот Муҳаммад Ҳасан Самарқандий томонидан 1854-1855 йилларда кўчирилган. Сўнгра Бибихоним масжидига ҳадя қилинган. 1940 йилда XIX асрнинг бу ноёб тарихий обидаси музей мулкига айланди.

Экспонатлар орасида 2x3 сантиметр ўлчамдаги ғилофли, жажжи ва тумор шаклидаги Қуръонлар ҳам мавжуд. Ҳар икки мўъжаз нашр ҳам ҳаттотлик санъати намунаси сифатида намойиш этилаётир. Кўргазма маданият жамғармасининг Самарқанд вилоят бўлими ҳамда музей илмий ходимлари жонбозлиги туфайли уюштирилди.

СУРАТДА: мўъжаз Қуръон китоблари.

Р. ҒОФУРОВ сурати (ЎзТАГ).

## ССЖИ вазирлар кенгашида

Меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шароит яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида ССЖИ Вазирлар кенгаши дам олиш кунини 1990 йил 29 декабрь шанба кунидан 31 декабрь душанба кунига кўчиришга, якшанба куни дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси белгиланган корхоналар, муассасалар, ташкилотларда эса 30 декабрь якшанбадан 31 декабрь душанбага кўчиришга қарор қилди.

Шу қарорда беш кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган корхона ва ташкилотларга касаба уюшма комитетлари билан келишиб 30 декабрда ишлашга ижозат берилди. Томонларнинг келишувига биноан, 30 декабрда ишлаганлиги учун бошқа дам олиш куни берилиши ёки икки ҳисса миқдорда пул тўланиши мумкин. Ходимнинг истагига биноан бу кун ҳар йилги таътилга қўшилиб, унга таътил кунларида тўланадиган тартибда ҳақ тўланиши мумкин.

## Э. А. Шеварднадзе билан Ж. Бейкернинг учрашуви

Хьюстон (Техас штати), Душанба куни бу ерда ССЖИ Ташқи ишлар вазири Э. А. Шеварднадзенинг АҚШ Давлат котиби Ж. Байкер билан музокаралари бошланди.

Узоқ давом этган икки суҳбат чоғида кўпгина халқаро муаммолар ва Совет—Америко икки томонлама муносабатлари масалалари ҳақида гаплашиб олинди. Қуролсизланиш мавзуига, жумладан стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш тўғрисидаги шартномани узил-кесил ишлаб чиқишга асосий эътибор берилди. Форс кўрфазидаги вазият танглиқдан тинч йўл билан чиқиш мақсадида жамики дипломатик ва сиёсий имкониятларни ишга солиш учун «холис ирода муҳлати»дан фойдаланиш нуқтаи назаридан муҳокама қилинди.

Вазирларнинг суҳбатлари амалий, ишчанлик муҳитида ўтмоқда, экспертлар жалб қилинмоқда. Экспертлар ҳам айни вақтда ишчи гуруҳларда мажлислар ўтказишмоқда.

Кеча вазирларнинг музокаралари давом эттирилди. Бугун Вашингтонда Э. А. Шеварднадзе АҚШ президенти Ж. Буш билан учрашади.

## Ташкилий масалалар кўриб чиқилди

ССЖИ Олий Кенгаши Миллатлар кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди, мажлисда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Валентина Сергеевна Клибик Миллатлар кенгаши раисининг ўринбосари этиб сайланди.

Чингиз Тўрақулович Айтматов ССЖИнинг Буюк Люксембург герцоглигидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланганлиги муносабати билан у Миллатлар кенгаши маданият, тил, миллий ва байналмилал анъаналар, тарихий меросни муҳофаза қилиш масалалари комиссиясининг раиси вазифасидан озод этилди.

(ТАСС).

Шу сонга хабар



Қудрат Асроров (суратда) Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори, ССЖИ Рассомлар уюшмаси аъзоси. У Сурхондарё вилоятининг Шеробод ноҳиясидаги бадиий кулолчилик буюмлари заводида рассом бўлиб ишлайди. Қудратнинг бир қанча асарлари вилоят, жумҳурият, қолаверса, Иттифоқ кўргазмаларида намойиш этилган. Бельгия, Италия, Япония шаҳарларидаги кўргазмаларда Қудрат Асроров ҳам ўз ижоди билан қатнашди, ҳамда ишлари муносиб тақдирланди. Унинг ижодида миллийлик тўла маънода ўз аксини топади. Шу боисдан ҳам ёш рассом асарлари харидорлар, атрофдагилар томонидан хушнудлик билан қарши олинди. У яратган кулолчилик буюмлари эса пештахталарда қолиб кетмайди.

Сураткаш: Муҳаммад АМИН.

## ТОШКЕНТЛИКЛАР УЧУН

«Иваново» давлат хўжалиги фермасидан ҳар куни Тошкент сут комбинатига олти тонна сут жўнатилмоқда. Ана шу сутнинг ярим тоннадан кўпроғи сут соғувчи Озода Омонованинг ҳиссасига тўғри келади. Унинг қарамоғида 40 та наслдор сигир бўлиб, бу сигирларнинг ҳар бири кунига 15—16 килограмм сут бермоқда. Озода сингари ғайратли кишиларнинг меҳнати давлатга сут топшириш йиллик режасини ошириб бажаришда хўжаликка ёрдам берди.

Пойтахт вилояти Калинин ноҳиясининг фермалари тошкентликларга ана шу маҳсулотни етказиб берувчи асосий хўжаликлардан ҳисобланади. Улар йил бошидан буён 10216 тонна сут жўнатишди — топшириқ муддатидан илгари бажарилди. Умумий муваффақиятга «Иваново», Ўзбекистон ССЖ 50 йиллиги номли давлат хўжаликлари, Калинин номли, Куйбишев номли, Партия XX съезди номли, Свердлов номли жамоа хўжаликлари, «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикасининг сут фермаси салмоқли ҳисса қўшдилар.

(ЎзТАГ).

### Олий таълим: бугун ва эртага

# Қабул ташвишлари

...СЎЛИМ МАЙНИНГ фараҳбахш кунларидан бирида қишлоқда яшаётган қариндошларимиздан бири синглисини етаклаганча хонадонимизга кириб келди. Муддао унинг ҳужжатларини олий билимгоҳга топшириш экан.

Синглим педагогика билим юртини туғаллаб, уч йилдирки ўрта мактабда муаллима бўлиб ишлаётганлиги туфайли таълим қоидасига асосан, у имтиҳонсиз қабул қилиниши керак эди.

Афсус, қариндошимизга талабалик насиб этмади.

Назаримда, ноҳақлик бўлганди. Конкурсдан кейин 15-20 чоғли арзгўй олий билимгоҳ мутасаддиларига учраб, дардимизни айтдик. Арзимиз инобатга олинмади.

Хонани тарк этаётганимда Қурол Наврўзов (у олий билимгоҳнинг кечагина сайланган янги мударриси) билагимдан ушлади.

— Суҳбатни кабинетда давом эттирсак, — таклиф қилди у.

— Биласизми, — деди у кабинетга киргач — таъналарингиз ҳақиқатга у қадар тўғри келмайди.

— ...

— Афсуски, ишимизнинг кўп томонлари ҳали сиз учун қоронғу. Камчиликларимиз, хатоларимизнинг кўплигидан ҳали бехабарсиз. Аҳволимиз чатоқ, нуқсонларимизнинг атиги бир қисминигина билиб олдингиз.

Тўғри сўзга таъриф йўқ. Қурол Наврўзовни ғоят камтар, камсуқум, уруш-жанжалларни ҳам, раҳбарликни ҳам ёқтирмайдиган, одил ва ўзига талабчан, изланувчан олим сифатида сиртдан билардим. Хоразм олимлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига мушарраф бўлган ҳам шу киши. Дўст-биродарлари орасидагина эмас, олий илм даргоҳи муаллим-олимлари ва талабалари орасида ҳам катта нуфузга эга. Қарийб 8 ойга чўзилган мударрис сайловида ўн номзод орасида ютиб чиққан. Шовқин-суронли ва тарафкашлик учига чиққан вазиятда ўтган сайловда овозларнинг мутлоқ кўпчилигини (58 фоизи) олган.

— Ниҳоятда оғир юк мерос бўлиб қолди, — деди у пировардида, — сизнинг таънангиздаям, одамларнинг гапларидаям жон бор. Ҳеч ким қўлга тушмаган, қинғир қўллиги исботланмаган бўлсаям поранинг шарпаси атрофимизда юрганига гумоним йўқ эмас. Тўғри, сайловда овозларнинг кўпчилигини олдим, аммо нима эвазига. Шунинг эвазигаки, эндиликда мендан ҳам қанақадир ён босишларни ёки йўл қўйиб беришликни таъма қилишаётир. Афсуски, одамлар орасида нопоклар кўп. Сиз ота-оналарнинг ҳам айбингиз йўқ эмас. Порага аввал ўзингиз ўргатгансиз. Келинг, энди бир ёқлик қилишни ҳам зиммангизга олинг. Камина ўз жамоасидаги соғлом вазиятга кафиллик беришни зиммамга оламан. Шахсан ўзингиз зиммангизга бирон-бир мажбурият олсангиз.

Тўғрисини айтганда мулзам бўлиб қолдим. Бунинг устига шу дамгача камгап, шаддодлиги сезилмаган ҳамсуҳбатим ниҳоятда дадил, содда ва ишонарли оҳангда ўз жамоасидаги соғлом вазият учун кафилликни зиммасига олганди. Бу ниҳоятда қалтис, аммо мардона қадам эди.

Ҳақиқатни қарор топтирмоқ учун аввало ўзаро даҳанаки жанг қилаётган гуруҳларни тинчитмоқ, муросага келтирмоқ сўнгра эса «пора» ва олий билимгоҳни бир-биридан ажратмоқ керак эди. Мударрис қанақа қилиб бунинг уддасидан чиқаркин? Ахир бу ҳазилакам гап эмас-ку? Хўш, шундоқ мардликни зиммасига олган мударрисга қандай жавоб қилай, нимани зиммамга олай? Таклиф яна мударриснинг ўзидан чиқди:

—Кундузги бўлимга қабул имтиҳонлари пайтида жамоатчилик ва ота-оналар номидан қатнашсангиз дуруст бўларди.

...Жазирама ёзнинг энг қайноқ, ҳароратли кунлари. Рўпарамдаги кўп қаватли бино жангарилар томонидан қамал қилинган қалъани эслатади. Кўпгина эшик ва деразалар ниҳоятда ишонарли тарзда беркитиб ташланган. Бинога ягона йўлакдан кирилади.

Имтиҳонларда қатнашиш диққинафасликдан бошқа ҳеч нарса эмас. Жамоатчилик номидан вакил бўлиб, имтиҳонда қатнашган дастлабки куним 650 нафар талабаликка даъвогар «чиғириқ»дан ўтказилди. «2» баҳо олганлар 26 кишини ташкил этди. Тахминан 300 нафар йигит ва қиз «3» баҳо яна шунчаси «4» баҳо олди. «Аълочи»лар топилмади. Кейинги кун ҳам шундай бўлди. Ўтган йиллардагидан фарқли ўлароқ бу сафар «қониқарсиз» баҳо олиб кўз ёши билан чиқаётганлар деярли йўқ. Бу йилги қабул эса аксинча, бўлди. Кўпгина куллиёт ва бўлимларда имтиҳонлардан сўнг ҳар ўринга 2—2,5 даъвогар тўғри келди. Умуман кириш имтиҳонларидан сўнг улардан 600 нафари танлаб олинди.

— Шикоят комиссиясига арз қилувчилар сони кўп бўлдими? — сўраймиз унинг раиси, доцент Абдулла Ҳайитбоевдан.

— Аввалги йиллар комиссияга раҳбарлик қилмаганман. Шундай бўлсада бу савол билан қизиққанмиз. Олий билимгоҳимизда 1990 йилга қабул мавсуми тугагач, арз қилувчилар бир йилнинг ўзида 30 фоиз қисқаргани маълум бўлди. Аниқроғи, қабул имтиҳонлари ва талабаликка танлаш маросимидан сўнг жами 200 та ёзма шикоят тушди. Ваҳоланки, ўтган йили салкам 300 ни ташкил этган эди.

— Шикоят комиссияси хулосасидан розимисиз? — сўрадик ўшанда бу ерга арз билан келган Нэлля Ражабовадан.

— Гарчи «қониқарсиз» баҳо олган бўлсамда, шикоят комиссиясидан ҳам, имтиҳон олувчилардан ҳам нолимайман. Йўл қўйган хатоларимни холисона тушунтириб бергач, шу хулосага келдим, — дейди у. Муваффақиятсизликка учраганлардан О. Хўжаева, А. Раҳимова, Қ. Ражабов ва бошқа қатор шикоятчилар ҳам имтиҳон ва унда қўйилган баҳоларни тушунтириш ва маслаҳатлардан кейин мардона тан олинганини айтишди.

— Қизим Азиза Муқимий номли мактабнинг аълочи ўқувчиларидан бири ҳисобланган, — дея ҳикоя қилади хоразмлик И. Раҳимов, — муаллимлик ва бошланғич таълим услуби куллиётига кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтди. Аммо, энг кейинги маррада қоқилди. Шикоят комиссиясига арз қилиб вазиятни қайта тиклагач эътирозимиз ноўрин эканлигини англадик. Имтиҳонлар ҳар ҳолда ўтган йиллардагидан адолатли ўтганини тан оламан.

Олий билимгоҳ ҳовлисида колхозчи Қ. Худойбергановни учратиб қолдим. У шод эди.

Бу ерда ҳеч кимни танимаймиз. Бироқ қизимни талабаликка қабул қилишди. Ҳар ҳолда адолат бор экан. Энди ҳамма ҳаяжонлар, ташвишу-машаққатлар ортда қолган.

Хоразмдаги мазкур ягона ва тўнғич олий ўқув юрти ўз тарихидаги энг ташвишли қабул мавсумини якунлаганидан буён 3 ой ўтди. Тўғрисини айтганда янги ректор сайланиб, имтиҳонлар бошлангунга қадар ўқув ва илм даргоҳида асаблар ниҳоятда таранг эди. Ўзаро жангу-жадаллар, шикоятбозликлар оқибатида юзага келган аҳлоқий-асабий вазият олий билимгоҳ узра ҳамон кўланка ташлаб турарди.

Янги мударрис ўқув юртидаги ахлоқий-маънавий вазият хусусида шундай дейди:

— Олий билимгоҳни кемириб, собиқ ректоримиз ва неча-неча бошқа софдил домла-олимларимизни адо этаёзган нарса бу — гуруҳбозлик. Ректорликка сайланганимга ҳам бир неча ой бўлди. Назаримда энди олий билим даргоҳимиздаги ана шу гуруҳларнинг ўзи емирила бошлади. Лекин, айрим емирувчилар ҳамон иш кўришмоқда. Жамоа бўлиб ишлаб чиққан тадбирларимизни қўллаб-қувватлаш, маслаҳат бериш ўрнига чалиб йиқитиш, панд беришга уринаётганлар ҳамон орамизда. Шу кунгача устимдан юқорига йўлланган бир нечта шикоят фикримнинг далилидир. Лекин, умуман олганда олий билимгоҳимиз кейинги икки-уч йил ичида биринчи бор осойишта ҳаёт кечира бошлади.

— Даргоҳдаги кескинлик вазиятига нима сабаб бўлган ва уни юмшатишнинг йўллари топилдими?

— Турғунлик даври тартиб-қоидалари доирасида иш кўриш кўнгилсизликларга йўл очиб берган. Ҳозир ҳамма ўз иши билан машғул. Режаларимиз катта. Ўтган йил биринчи сентябрда олий билимгоҳимизнинг энг катта асосий ўқув-тадқиқот биносини қурувчилардан қабул қилиб олгандик. Қисқа фурсатда ўқиш, ишлашга имкон қолмади. Бинога киришга юрак бетламайди. Яқин ойлар ичида бинони бутунлай қайта қурмас эканмиз, қишда ўзимиз ҳам, талабаларимиз ҳам кўчада қолиб кетиши турган гап. Аммо, кайфиятимиз яхши, негаки бу йилги қабул қилиш мавсумида катта имтиҳондан ўтдик. Жамоатчилик, ота-оналар, ёшлар бизни имтиҳон қилишди. Назаримда бу имтиҳондан ўта олдик.

— Янги раҳбарнинг обрў-эътибори ва тўғри фаолият кўрсатишида қабул комиссиясининг роли ҳал қилувчидир. Хўш, шунга яраша ишлай олдингизми? Бу саволга қабул комиссияси масъул котиби, олий билимгоҳ касаба уюшмаси раиси, доцент Умрбек Сотимов шундай жавоб берди:

— Камчиликларимиз ҳамон йўқ эмас. Даъвогарларни имтиҳон қилган айрим домлаларимизнинг ўзи имтиҳондан ўта олишмади. Таниш-билишларни судрашга интилишлар, дағдаға ва бошқа ножўя қадамлар бўлмади, десам ҳақиқатни бўяган бўламан. Имконият борича бундай хуружларни бартараф этиб, янги раҳбарият шаънини асраб қолишга эришдик, деб айтсам муболаға бўлмайди.

Биз учун энг муҳими иккала томонда ҳам ишонч уйғота билиш. Қўшни Қорақалпоғистон Мухтор Жумҳуриятининг Тўрткўл ноҳиясидан келган талабаликка даъвогар қиз бутун катта зални тўлдириб ўтирган ота-оналар ўртасида суҳбатдан ўта олмаган. Шубҳага ўрин қолдирмаслик зарур эди. Шунда биз ўзини кўрсата олмаган қизнинг ўқитувчисини кириш имтиҳонига таклиф қилганмиз. Муаллим таклифимизни рад этмай собиқ ўқувчисини имтиҳон қилишда қатнашди. Аммо, пировардида ўз ўқувчисининг билим савияси учун имтиҳон олувчилардан узр сўраб чиқиб кетди. Бунинг ўзиёқ имтиҳонлар пайтида ўзаро ишончнинг ниҳоятда зарур эканлигини кўрсатиб турибди. Аммо, биз ноҳақ бўлиб чиққан ҳоллар ҳам бўлди. Кириш имтиҳонида «2» баҳо олган ҳар бир даъвогар ёки унинг ота-онаси шикоят комиссияси ҳузурига бош уриб борди. Асосли бўлиб чиққан арзлар ҳам анчагина. Демак, тартибни бузганмиз. Менимча, бир-бировни тинглаш, шикоятларни қараб чиқиш чоғида йўл қўйилган адолатсизликлар юз фоиз барҳам топганига ишончим комил.

Жамоатчиликка яна шуни ҳам маълум қиламанки, бу йил олий билимгоҳимизга кириш имтиҳонларини вилоятимизнинг турли ноҳиялари, қишлоқларидан келган 20 нафар ўрта мактаб муаллими қабул қилди. Бу — имтиҳон олишда қатнашганларнинг 50 фоизини ташкил этади. Биология, ўзбек тили ва адабиёти куллиётларида бу йил ҳар бир ўрин учун 10-12 ариза тушди. Вазиятнинг бирмунча қалтис эканлигини назарда тутиб, биология мутахассислиги бўйича қабул қилинувчиларни имтиҳон қилишни 100 фоиз, тил ва адабиёт ихтисослиги бўйича қабулни 80 фоиз жамоатчилик ихтиёрига топширдик. Талабаликка даъвогар ҳар бир ёшни жамоатчиликнинг ўзи танлади.

Йўлимизда ҳали ҳам тўсиқлар бор. Улар умумишимизга ҳалақит бермоқда. Шу сабаб бўлиб, жумҳуриятимиз Президенти фармони бажарилишини барбод қилдик. Ўзбек тили ва адабиёти, муаллимлик ва бошланғич таълим услуби бўйича битта ҳам талабани қўшимча қабул қила олмадик.

Жумҳурият Халқ таълими вазирлиги ва иқтисодиёт қўмитасининг чизган чизиғидан чиқиш оқибати нимага олиб келишини аниқ билардик. Худди шу ҳадик туфайли гарчи эҳтиёж бўлмасада (вилоят бўйича 100 нафардан зиёд ишсиз юрган рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бор) рус тили ва адабиёти куллиётига 175 нафар талаба қабул қилдик. Дипломли ишсизлар кўпайишига шу тариқа «улуш» қўшаяпмиз.

Вилоят халқ таълими бошқармаси эса медалларни тақсимлашда «бағри кенглик» қилмоқда. Сирасини айтганда имтиҳонни айрим медаллиларга қараганда ўрта баҳоларга ўқиганлар яхши топширди. Хонқа ноҳиясида ғалати, жумбоқнамо воқеа юз берган кўринади. «Кумуш медаль» билан илм масканимизга ҳужжат топширганларнинг 70 фоизини хонқаликлар ташкил этади. Таажжуб. Шу муносабат билан бу йил жорий этилган яна бир қоида — «кумуш медаль» эгаларини суҳбат асосида қабул қилиш тартибига қарши эканимни яширмайман. Нега деганда, не-не қобилиятли ва билимдон ёшларнинг ўрнини савияси улардан анча паст бўлган «кумуш медаль» соҳиблари эгаллашди. Бу медаллилар ва эркин имтиҳон билан қабул қилинувчилар ўртасида кескинлик бирмунча кучайишига олиб келди.

— Қабул пайтида илтимослар, тазйиқ кўрсатувчилар, дашномчилар ҳам кўп бўлгандир?

— Ҳалол ишлайман десанг кимгадир душман бўлиб қолиш ҳеч гап эмас экан. Айни пайтда сохта ва бошқа мавсумий дўстларинг ҳам ҳар қадамда пайдо бўларкан, бунга мен ишонч ҳосил қилдим.

Жамиятимизнинг ҳозирги аянчли ҳолати ўқув юртларига фақат билимли ва қобилиятли ёшларнигина қабул қилишни тақозо этмоқда. Лекин, вилоят халқ таълими бошқармасининг кўрсатмасига асосан иш тутиладиган бўлса баъзи ноҳиялардан кўп, баъзиларидан эса жуда оз талаба қабул қилмоғимиз керак. Бу ҳолда кириш имтиҳонларида нуқул 3 баҳо олганлар талаба бўлиб, «яхши» ва «аъло» баҳо олганлар бу бахтдан бенасиб қолиши керак. Назаримда, бу адолатдан эмас. Лекин, ишонч билан айта оламанки, қабул комиссиямиз бу йил ўз зиммасига юкланган вазифани шараф билан адо этди.

...В. И. Ленин номидаги Хоразм Давлат муаллимлик олий билимгоҳи бугун орзулари ушалган ёшлар билан гавжум. Раҳбарият эса таълим-тарбия савиясини поғонама-поғона юқори кўтариш йўлидан кетмоқда. Жумҳурият Президентининг талабалар моддий таъминотини яхшилаш хусусидаги Фармони бу ерда қониқиш ҳисси билан кутиб олинди. Эндиликда у тўла бажарилмоғи даркор. Афсус, бажариш учун имкон эшиклари ҳали кенг очилганича йўқ. Молия органлари ҳозирча олий билимгоҳ жамоасини қувонтирадиган бирон-бир тадбир кўролгани йўқ.

**А. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» рўзномасининг Хоразм вилояти бўйича ўз мухбири.**

# Хориждан хабарлар

## Ослода Нобель тинчлик мукофотини топшириш маросими

ОСЛО. (ТАСС махсус мухбирлари Сергей Нешумов ва Александр Суриков). Бугун Норвегия пойтахтида Нобель тинчлик мукофотини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлди. 1990 йилда ССЖИ Президенти М. С. Горбачев ана шу энг нуфузли халқаро мукофот лауреати бўлди. У ишлари ниҳоятда кўп бўлганлиги сабабли Ослога, анъанавий «Нобель даври»га кела олмади ва мукофотни олиш маросимида қатнашишни ўз шахсий вакили, ССЖИ Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари А. Г. Ковалевга топширди.

...Пойтахт ратушаси биносига ўрнатилган соат миллари 13.00 ни кўрсатиб турибди. Гуллар билан безатилган мажлислар залида маросимда қатнашиш учун таклиф этилган мингдан ортиқ киши тўпланган. Махсус ажратилган ўринларда Норвегия валиахди Харальд, унинг рафиқаси малика Сонья, Қирол оиласининг аъзолари ўтиришибди. Норвегия Нобель қўмитасининг аъзолари, лауреатнинг шахсий вакили алоҳида, сал юқори жойда ўтиришибди. Залда Стортинг депутатлари, вазирлар, жамоатчилик вакиллари, дипломатлар, журналистлар ҳозир бўлишган.

М. Глинканинг «Руслан ва Людмила» операсига ёзилган увертюра Норвегия радиоси оркестрининг ижросида янграйди. Норвегия Нобель қўмитасининг раиси Гидске Андерсон мукофотни таъсис этган Альфред Нобель тасвири туширилган минбар олдига келади.

— Бу йил Нобель тинчлик мукофоти Совет Иттифоқи Президенти Михаил Сергеевич Горбачевга бериладн, — деди у. — Норвегия Нобель қўмитаси Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муносабатларда рўй берган катта ўзгаришларга етакчилик қилгани учун уни ана шу мукофот билан тақдирлади. Президент Горбачев, шубҳасиз, бошқа кишилар ва бошқа миллатлар билан биргаликда ҳаракат қилди. Лекин биз унинг шахсий ҳиссасини равшан кўриб турибмиз ва унинг Совет Иттифоқи номидан сарфлаган куч-ғайратлари ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Шунинг учун ҳам Нобель қўмитаси шахсан уни 1990 йилда тақдирлаш ниятидадир.

Залга тўпланган одамлар ўринларидан туришади. Г. Андерсонхоним ҳозир бўлган кишиларнинг қарсаклари остида М. С. Горбачевнинг шахсий вакилига Нобель лауреати дипломи билан олтин медалини топширади.

А. Г. Ковалевга сўз берилади. У ССЖИ Президентининг топшириғига мувофиқ М. С. Горбачевнинг мурожаатномасини ўқиб эшиттиради.

Ратушада маросим тугаганидан сўнг М. С. Горбачевнинг шахсий вакили Нобель илмгоҳига борди ва унинг фаолияти билан танишди. У ерда мукофот пулини олиш учун А. Г. Ковалевга чек топширилди. Бу йил ана шу мукофот 4 миллион швед кронасини ташкил этади.

Кечқурун Ослонинг марказий кўчаларида Норвегия касаба уюшмалари ва жамоат ташкилотлари 1990 йил Нобель тинчлик мукофоти лауреати шарафига уюштирган машъала сайли бўлиб ўтди.

## ВАЛЕНСА— ПОЛЬША ПРЕЗИДЕНТИ

ВАРШАВА. (ТАСС). «Бирдамлик» касаба уюшмасининг раиси Лех Валенса Польша жумҳуриятининг Президенти этиб сайланди. Бугун эълон қилинган сайлов натижалари тўғрисидаги дастлабки маълумотларга кўра, овоз беришнинг иккинчи даврасида Валенса учун 74 фоиздан кўпроқ овоз берилди. Унинг рақиби — мустақил номзод, канадалик корхона эгаси С. Тиминьский 26 фоизга яқин овоз олди. Фуқаролар иккинчи даврада унчалик фаол қатнашмадилар: сайлов участкаларига рўйхатга олинган сайловчиларнинг 53 фоизга яқини келди. Кўпгина сиёсий партиялар ва ташкилотлар, шу жумладан биринчи даврада унга қарши чиққанлар ҳам Л. Валенса номзодини қўллаб-қувватлашга чақирганликлари муваффақиятга сабаб бўлди.



Овқат учун бериладиган қарзларнинг бекор қилиниши, ижтимоий ёрдамнинг қисқартирилиши Будапешт иқтисодиёт дорилфунуни талабалари учун ўзига хос чиқишлар уюштиришга баҳона бўлди. МТИ агентлигининг хабарига кўра, ушбу чиқишлар мамлакат доирасидаги дорилфунунлар талабаларининг юришлари туркумига киради. Талабалар ҳаракати йирик кўча намойишлари билан поёнига етди.

СУРАТДА: венгриялик талабалар Карл Марксга ўрнатилган ёдгорлик олдида.

МТИ — ТАСС сурати.

## Ранг-баранг олам

### ЎҒРИЛИК ЭПИДЕМИЯСИ

● АҚШнинг ўта махфий илмий-текшириш марказларидан бири — Лос-Аламос (Нью-Мексико штати)даги Америко биринчи атом лабораториясида кейинги пайтда ўғрилик кучайиб кетди. Ўғрилар лабораториянинг қаттиқ қўриқланадиган бўлимига «йўл» топишди ва у ердаги компьютерларнинг блок ҳамда деталларини олиб чиқиб кетишди. Шу йилнинг сентябрь ойида улар томонидан 21 марта ўғрилик содир этилган. Ўғриликларнинг қиймати 63 минг долларни ташкил этади.

### ШЕКСПИРНИНГ СЎЗИНИ ЁЗИШ УЧУН

● АМРИҚОЛИК МАТЕМАТИК Уильям Беннет маймунлар устида қизиқ тажриба ўтказди ва шуни аниқладики, Шекспирнинг машҳур «Ҳаёт ёки мамот? Ҳамма гап шунда!» сўзини ёзиш учун бир миллион маймун ўнтагача ҳарф нуқталарини босиши керак экан.

### ҚАНД БИЛАН ДАВОЛАШ

● ФРАНЦИЯЛИК врачлар кўкрак қафаси операциясидан кейинги яраларни қанд билан даволаш усулини йўлга қўйишди. Бунинг учун яранинг очиқ жойига оддий қанд қўйиб боғлаб қўйилади. Бу ҳол кунига 3—4 мартадан такрорланади. Муолажанинг 54-куни бемор касалхонадан тузалиб чиқиб кетади. Ҳар доимги дори-дармонлар билан даволанганда эса 85 кун талаб этилади.

### ҚИШЛОҚДА ИШЛАШМОҚЧИ

● ВЕНУСУЭЛЛА қуролли кучлари сипоҳиларининг катта қисми миллий қўшин вазири вице-адмирал Эктор Рикордо Торога қишлоқ хўжалиги ва бошқа турдаги ишлар билан шуғулланишга рухсат сўраб илтимоснома ёздилар. «Биз Венусуэлла катта иқтисодий инқирозга учраётганидан қаттиқ изтиробдамиз, — дейилади сипоҳилар мактубида. — Венусуэллани бундай аҳволдан, шармандаликдан қутқариш учун оддий фуқаролардек меҳнат қилишга, уларнинг касб-корлари билан шуғулланишга аҳд қилдик.

Ранг-баранг олам

# Хориждан хабарлар

## Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги олдидан



Ленинобод Давлат педагогика олий илмгоҳининг профессори, филология фанлари доктори, ССЖИ Фанлар академияси Бутуниттифоқ шарқшунослар уюшмаси аъзоси Эргашали ШОДИЕВ ўзининг Алишер Навоий меросини, ўзбек ва тожик халқлари адабий алоқаларни ўрганиш мавзусидаги 300 дан ортиқ илмий тадқиқотлари, айниқса, «Алишер Навоий ва форс-тожик адиблари», «Ўзбек-тожик адабий алоқалари тарихидан», «Ҳамза ва тожик адабиёти», «Хўжанд шоирлари ва ўзбек адабиёти», «Хўжандлик зуллисонайн шоирлар», «Машраб» каби талай китоблари орқали адабиёт ихлосмандларига таниш.

Адабиётшунос олимимиз самарали ижоди учун жумҳуриятимизнинг Алишер Навоий мукофотига номзод қилиб кўрсатилди. Қуйида биз олимнинг рўзномамиз учун ёзган янги мақоласини эълон қилмоқдамиз.

# Улусдин танлагоним

НИЗОМИДДИН Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва бой ижодий меросини ўрганиш ишида бир қатор муваффақиятларга эришилган. Шоир ҳақида кўплаб жиддий илмий тадқиқотлар яратилган кўплаб китобларининг илмий-танқидий матнлари вужудга келтирилган. Навоийшунослик илмини янада юксак поғоналарга кўтаришда муносиб ҳисса қўшган устод адабиётшунослар ва ёш иқтидорли олимлар номини шоир ижодининг мухлислари ҳурмат ва эҳтиром ила тилга олишади. Улар томонидан нашр этилган шоир асарлари 15 жилдлигини севиб қаршилаган бўлсалар, шу кунларда кетма-кет ўқувчилар оммасига тақдим этилаётган 20 жилдлик мукаммал асарлар тўпламини шарқона буюк бир ифтихор билан кутиб олмоқдалар.

Аммо, бу буюк аллома шоир ҳаёти ва адабий меросини тадқиқ этиш ва ўрганиш ишида ҳали бир қатор ечилмаган муаммолар, ҳал этилмаган масалалар мавжуд. Ана шундай жиддий муаммолардан бирини истеъдодли адабиётшунос олим Нусратилла Жумаевнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасидаги «То тузди Навоий оятии ишқ» (1990, 9 ноябрь) мақоласида кўтариб чиққанлар. У ўз тадқиқотида шоирнинг тахаллусини ёзишдаги хатоликларга барҳам бериш масаласини кўтариб чиқиб, жуда тўғри иш қилган. Бу масалага ўз вақтида навоийшунос олимларимиз Ҳамид Сулаймонов ва Абдуқодир Ҳайитметовлар ҳам эътибор берган эдилар, бу ҳақда ўз мулоҳазаларини баён этган эдилар. Филология фанлари номзоди Нусратилла Жумаев ҳам бу масалада куюнчаклик билан фикр юритиб, чалкашликка, хатоликка барҳам бериш йўлларини қидиради. Бу олим ҳам энди «Навоий» эмас, балки буюк шоиримиз тахаллусларидан бирини «Навойи» ёзишни таклиф этади. Биз бу олимнинг шоир тахаллусини ҳозирги шаклда «Навоий» тарзида ёзиш тўғри эмас, деган фикрини тўла қувватлаган ҳолда, унинг энди «Навойи» шаклида ёзиш керак, деган таклифига асло қўшила олмаймиз. Чунки, унинг юқоридаги фикри қабул қилинган тақдирда ҳам Рудакий, Жомий, Румий, Муқимий, Фурқатий, Амирий, Фазлий, Чустий, Чархий каби юзлаб адибларимиз тахаллусларини яна аввалги шаклда ёзамиз ва ҳар хилликка йўл қўйган бўламиз. Бизнинг назаримизда бу масалада тилшунос олимларимиз яна бир оз ғайрат қилсалар ва ўзбек имлосига чўзиқ «й» товушини ифодаловчи ҳарфни қабул қилсалар, шоирларимиз тахаллуслари охирги бўғинини «ий», ёки «йи» билан эмас, худди тожик дўстларимиз имлосида мавжуд бўлганидек битта чўзиқ «й» товуши билан ифолашга эришсак, бу муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлиши табиийдир.

Алишер Навоийнинг бир неча асарлари ҳалигача аниқланмаган. Турк олими Тоҳир Билуса 1330 ҳижрийда Истанбулда нашр этилган «Осори сиёсийи исломия» асарида Алишер Навоийнинг форс тилида ёзилган «Сияр-ул-мулук» асари ҳақида маълумот беради. Афғонистонлик олим Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний ҳам ўзининг 1346 ҳижрийда Кобулда нашр эттирган «Мир Алишер Навоий-Фоний» асарида бу китоб ҳақида тўхталиб, юқоридаги турк олими асарига ҳам ишора қилади. Аммо шу кунга қадар бу асар ҳақида бизда бирор жиддий фикр баён этилмаган.

Алишер Навоий ўз асарларини бирма-бир санаб ўтган чоғда «Муҳокамат-ул-луғатайн»да «Зубдат-ут-таворих» номли асари борлиги ҳақида маълумот беради. Аммо шу кунга қадар «Зубдат-ут-таворих» номи билан бирор асар нашр этилмаган. Навоий асарлари ўн беш жилдлигининг XIV жилдида «Тарихи мулуки Ажам», XV жилдида эса «Тарихи ҳукамо ва анбиё» асарлари босилиб чиққан эди. Маълум бўлишича, бу икки асар юқорида номи тилга олинган китобнинг икки катта бўлимидан иборат бўлиб, уларни алоҳида-алоҳида асарлар сифатида ўқувчиларга тақдим этилгани хато бўлган. Бу ҳақдаги қарашлар Алишер Навоийнинг ўн беш жилдлиги нашрга тайёрланаётган вақтлардаёқ, яъни бундан чорак аср бурун баён этилган эди. Профессор Ҳамид Сулаймонов Навоий куллиётининг ўн беш жилдлигига ёзган сўзбошисида «Муҳокамат-ул-луғотайн»даги асарлар рўйхатини келтирганда 10-тартиб рақамида «Зубдат-ут-таворих» («Тарихи мулуки Ажам» ва «Тарихи ҳукамо ва анбиё») тарзида келтириб, муаллиф рўйхати асосида бу асарни бир китоб сифатида кўрсатган. Аммо шу сўзбошининг ўзида, ўша китобнинг 43-саҳифасида «Тарихи ҳукамо ва анбиё» 24-тартиб рақами билан, «Тарихи мулуки Ажам» эса 25 тартиб рақами билан алоҳида-алоҳида асарлар сифатида ажратиб кўрсатилган. Шу куллиётнинг XIV жилдида «Тарихи мулуки Ажам» нашр этилган бўлиб, бу асар ҳақидаги изоҳда қуйидаги сўзларни ўқиймиз:

«Зубдат-ут-таворих» («Тарихлар хулосаси») — бу асар «Тарихи анбиё ва ҳукамо» ҳамда «Тарихи мулуки Ажам» номлари билан машҳур бўлиб, икки айрим асар ҳисобланиб юрган китобларнинг ўзи бўлса керак, чунки Навоий юқоридаги номли икки асари борлигини бирор ўринда тилга олмайди ва иккинчиси биринчи китобнинг давомига ўхшайди. Шунинг учун биз «Зубдат-ут-таворих» мазкур икки асарнинг ўзи деган фикрдамиз».

Аммо, юқоридаги фикрлар мавжудлигига қарамай «Тарихи ҳукамо ва анбиё» Навоий куллиётининг кейинги ўн бешинчи жилдида алоҳида асар сифатида нашр этилди. Бу ҳақда бир қатор олимларимиз навоийшунослар анжуманларида жиддий фикрлар баён этишиб, «Тарихи мулуки Ажам» ва «Тарихи ҳукамо ва анбиё» бир асар эканлигини ишончли далиллар билан исботлаб берган эдилар. Лекин шоир мукаммал асарлари тўплами 20 жилдлиги проспектида «Тарихи мулуки Ажам» яна алоҳида асар сифатида кўрсатилиб у шоир куллиётининг ўн тўққизинчи жилдига киритилиши мўлжалланибди?! Алишер Навоийнинг ўз севгиси фожиаларига бағишланган достони, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳақидаги китоби, «Юсуф ва Зулайҳо» асарлари ҳалигача аниқланмаган.

Ўтмишда «Дурбек» тахаллусли шоир яшамагани ва ижод этмагани ҳолда, бизнинг замонамизгача етиб келган «Юсуф ва Зулайҳо» достонини шу кунга қадар унинг мероси сифатида тарғиб этиб келамиз, достонни унинг номи билан нашр этамиз. Аслида бу асарни француз шарқшуноси Эдгар Блоше Алишер Навоий асари деб атайди. Биз эса уни гоҳ Мирзо Улуғбекка, гоҳ Аҳмадийга, гоҳ Сайфийга, гоҳ Ҳомидий Балхийга, гоҳ Ҳайдар Хоразмийга нисбат бериб келамиз. Шунинг учун ҳам профессор А. Ҳайитметов куйиниб:

— «Юсуф ва Зулайҳо», «Гул ва Наврўз» достонларининг муаллифи масаласи ҳал қилиниши, бунинг учун мантшуносларимиз, адабиётшуносларимиз тарихчиларни, тилшуносларимизни ҳам бу ишларга тортишлари, мубоҳасали асарларнинг тил хусусиятларига ҳам катта аҳамият берилиши мақсадга мувофиқдир. «Юсуф ва Зулайҳо»ни Ҳайдар Хоразмий ёки балхлик бошқа шоир ёзган дер эканмиз, бу асарнинг тилидаги шева хусусиятлари билан ҳам исботланиши зарур»лигини таъкидлаган эди.

Тилшунос олимларимиз Эргаш Фозилов ва Жавқон Лапасовнинг «Юсуфу Зулайҳо» достони ҳақида» («Ўзбек тили ва адабиёти», 1974 № 1) мақоласида **«Юсуфу Зулайҳо» қиссаси тилини ўрганиш бу асар тилининг Алишер Навоий асарлари тилига яқин туришини кўрсатади»** (26-27-бетлар) деб таъкидлаган эдилар. Ҳақиқатда ҳам бу асарни чуқуррок ўргансак муаммо ҳал этилиши мумкин.

«Юсуф ва Зулайҳо» достонининг кириш қисмидаги ҳамд ва нать бобларидан сўнг «Султон Ҳусайн Мирзонинг мадҳи» келади. Бу мадҳ асарнинг Париж нусхасида ҳам, Туркия нусхаларида ҳам, Самарқанд дорулфунуни фондидаги қўлёзмада ҳам учрайди. Кўпчилик тадқиқотчиларимиз бу бағишлов Ҳазрат Навоий қаламига мансублигини тан оладилар. Аммо уларнинг фикрича Мир Алишер Навоий бошқа бир муаллифнинг асарига бағишлов ёзиб, уни Султон Ҳусайн Бойқарога тақдим этган. Биз бу фикрга асло қўшила олмаймиз. Чунки, Навоийдек қалами қудратли шоирнинг бундай ишга қўл уриши ғайритабиийдир. Модомики, асарнинг муқаддимаси Мир Алишер ҳазратлари томонидан ёзилган экан, асарнинг қолган қисмини ҳам ўзи давом эттирган, дейиш учун ҳақли бўлсак керак.

Албатта, ҳозирча «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг қадимий нусхаларида шунингдек, ҳозирги нашр этилган босма вариантларида ҳам «Дурбек» номи учрамаганидек, ҳозирча бирор қўлёзма нусхада «Навоий» ёки «Фоний» тахаллусларига ҳам дуч келмадик. Аммо, «Ҳайрат-ул-аброр» достонидаги ва «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг Париж нусхасидаги қуйидаги сатрларни бир солиштириб кўринг:

**Ҳам карами баҳр ила кон офати,**
**Ҳам ғазаби мулки жаҳон офати.**
**Қуллиғи хонларга келиб фарзи**
**айн,**
**Хонлару шоҳлар шаҳи Султон**
**Ҳусайн.**
**(«Ҳайрат-ул-аброр» достонидан)**

**Бахшишидин топти хабар баҳру**
**кон,**
**Сув бири бўлди, бир бўлди ниҳон.**
**Тоатидур барчаға фарзи айн,**
**Шоҳ Абулғозии Султон Ҳусайн.**
**(«Юсуф ва Зулайҳо» достонидан)**

Кўпчилик олимларимиз «Юсуф ва Зулайҳо» достони муқаддимасида келган:

**«Зод» эди тарих доғи а«йн»у**
**«дол»,**
**Муддати ҳижратдин ўтуб моҳу сол,**

сатрларидан аён бўладиган 874 ҳижрий (1469—1470 мелодий) тарихни мазкур китобнинг ёзилиш тарихи деб ҳисоблайдилар. Ваҳоланки, бу ерда асар яратилиш даври ҳақида эмас, балки Балх шаҳрининг қамал қилиниши тарихи ҳақида сўз бораётир.

«Юсуф ва Зулайҳо»нинг «Китоб назмининг ибтидоси» бобида асар муаллифи кенг меҳнаткашлар оммасининг оғир аҳволини кўриб ачинади. Балх воқеалари тадрижидан хабардор эканини маълум қилади. Халқнинг оғир аҳволидан хабардор бўлган бу шоир ким эди? Балх шаҳрига ўша йиллари ўзбек тилида ёзадиган қайси шоир борган эди? Тарихий манбаларни кўздан кечирсак, бу саволларга маълум даражада жавоб топилади.

Маълум бўлишича, ҳазрат Навоий Балх шаҳри ва унга яқин вилоятларга бир неча марта борган. Баъзида давлат топшириқлари билан бу шаҳарга келганида анча муддат қолиб кетишга мажбур бўлади. «Мураққаи Алишер Навоий» деб номланган шоир альбомидан ўрин олган Абдураҳмон Жомий мактубларининг бир қисми Хиротдан Балхга, Навоий номига йўлланган эди.

Шоирнинг Балх шаҳрига биринчи сафари 1469—1470 йилларга тўғри келади. Бу ҳақда мавлоно Хондамирнинг «Ҳабиб-ус-сияр» асарида муфассал маълумот берилган. Тарихчининг гувоҳлик беришича, Султон Ҳусайн Бойқаро аввалига Балх ҳокими Аҳмад Муштоқ билан ярашиш чораларини излаб кўради. Охири илож топа олмагач, қўшин тортиб, Балх устига юриш бошлайди. Аҳмад Муштоқ Султон Ҳусайннинг жуда катта қўшин билан келаётганини эшитиб, Балх шаҳрининг барча истеҳкомларини мустаҳкамлайди. Султон Ҳусайн қўшинлари Балх шаҳрини қамал қилади. Шаҳар дарвозалари амирлар ўртасида тақсимланиб, Амир Навоий бошқа амирлар қаторида шаҳарнинг Ширхор дарвозасини аскаргоҳ қилади. Ҳусайн Байқаро қўшинлари шаҳарга сув берадиган хандақларни шох, ҳашак ва тупроқ билан тўлдириб, ўзанни бошқа тарафга буриб юборадилар.

Балх қамали анча узоқ чўзилади. Қамалда қолган шаҳар аҳолисигина эмас, ҳатто шаҳар ташқарисидаги Ҳусайн Бойқаро аскарлари ҳам очликдан қийналишади. Бу ҳодиса уч-тўрт ой давом этгач, Амир Алишер озиқ-овқат олиб келиш учун Балх шаҳридан Ҳиротга юборилади. Бу ҳақда «Ҳабиб-ус-сияр»да қуйидагича маълумот берилади:

«Алқисса, Балх шаҳари ва қалъасининг мустаҳкамлиги, заҳирасининг мўллиги сабабли қамал муддати уч-тўрт ойга чўзилди, кўпинча эрта тонгдан то шомгача жангу жадал билан машғул бўлиб, «хушъёр бўл!» деган наъра Кайвон айвонидан ҳам ўтди... Шу вақтнинг ўзида қамал вақтининг чўзилиб кетиши натижасида олий ўрдада қаҳатчилик бошланди, сипоҳийларда қимирлашга мажол қолмади, юришга имкони бўлмаган кишилар қоча бошладилар, чунончи зафар нисбатлик узанги мулозамитида икки мингдан ортиқ одам қолмади. Амир Музаффар барлоснинг Амударё бўйидан зафар ворис Кавкабга келганидан кейин «Низомуддин Алишер дорулсалтана Ҳиротга бориб, Хуросон вилоятидан имкони борича ғалла тўплаб, Ўрдуга юборилсин», деган қатъий фармойиш берилди. Ул жаноб фармойишига биноан икки-уч минг харвор ғалла тўплади ва кўчманчи арабларнинг туяларини кира қилиб ортиб Балхга юборди».

«Юсуф ва Зулайҳо» достонининг муқаддимасида ҳам ана шу қамал туфайли пайдо бўлган оғир аҳвол ҳақида сўз боради. Бу масалаларни чуқуррок ўргансак, асар муаллифини аниқлашимиз осон бўлади, муаммо бир мунча ечилади.

Алишер Навоий уйланганми? Унинг севгилиси ким? У нима сабабдан ҳаётининг кейинги йилларини танҳоликда ўтказди? Жудолик сабаблари нимада, каби бир қатор саволларга шу кунга қадар навоийшунос олимларимиз асарларидан, мавжуд китоблардан, шоир таржимаи ҳолига оид асарлардан аниқ жавоб топа олмаймиз. Е. Э. Бертельснинг «Навоий» монографияси, А. Ҳайитметовнинг «Навоий» лирикаси, «Навоий даҳоси», Ё. Исоқовнинг «Навоийнинг илк лирикаси», Н. М. Маллаевнинг «Алишер Навоий ва халқ ижодиёти» китобларида бу саволларга қисман мурожаат қилиниб, шоирнинг бир умр танҳо ўтганлигига бирор фожиа сабаб бўлган бўлса керак, дейилади. «Ўзбек адабиёти тарихи» академик нашрининг беш жилдлигида эса, шоирнинг севгиси, севгилиси билан муносабати ҳақида илмий адабиётларда турли тахминлар мавжудлиги, ҳозирга қадар бирор конкрет фикрга келинмагани қайд этилади. Ушбу масалани тўғри ҳал этиш учун шоир асарларини синчиклаб ўрганиш лозимлиги таъкидланади.

Аммо, кўпчилик олимларимиз Алишер Навоий уйланганми? деган саволга «йўқ, уйланмаган» (?!) деб жавоб берадилар. Амир Навоийнинг ўзлари эса **«бор эди ул ҳамки бир чоғ бизда ёре бор эди»** деб жавоб беради. Шоирнинг

**Айламанг бекаслигимни тан бир**
**кун бор эди,**
**Бизда ҳам бир нозанин**
**чобуксувор, эй дўстлар,**

байти юқоридаги фикрларга раддия сифатида яратилган кўринади.

Алишер Навоийнинг бир қатор асарларида, айниқса, девонларидаги ғазалларда унинг шахсияти билан боғлиқ нуқталар кўплаб учрайди. Масалан, шоирнинг «Илк девон»идан ўрин олган, кейинчалик «Бадоеъ-ул-васат» девонига ҳам киритилган ғазалида улус ичидан танлагани, яъни севгили ёрининг саломатлиги ниҳоятда оғирлашиб бораётганини кўрган шоир бағри эзилиб, қуйидаги сатрларни тузган эди:

**Қилғон эрмиш нотавон сарви**
**равонимни мариз,**
**Зор ўларменким, қилибдур зор**
**жонимни мариз.**
**Чун топар озор жононим**
**мариздин, йўқ ажаб,**
**Айласа озурда жони нотавонимни**
**мариз.**
**Ғар маризнинг лозими дур ўлди**
**билмак, эй кўнгил,**
**Дардманд этмакму, ё раб,**
**нотавонимни мариз.**
**Садқаси айланг мени мардудни,**
**эй дўстлар,**
**Ким заиф этмиш улусдин**
**танлагонимни мариз.**
**Дардлик кўнглим ҳалокин**
**истарамким қуйида,**
**Йиқмиш ул оворайи**
**бехонумонимни мариз.**
**Юз туман megдек гаҳи бир ўлса**
**онинг садқаси,**
**Қилмасун озурда, ё раб,**
**навжувонимни мариз.**
**То мариз ўлмиш нигорим қон**
**тўкар гирён кўзум,**
**Эй Навоий, дей олурман: тўкти**
**қонимни мариз.**

Ўз асарлари қаҳрамонларини фақат бир кишини севишга ўргатган, шу севгига ҳар қандай ҳолатларда ҳам заррача хиёнат қилмаслик руҳида тарбиялаган шоир ўзи ҳам асарларининг садоқатли ижобий қаҳрамонлари сингари биринчи севгига бир умр содиқ қолди. Севгига чинакам садоқатли бўлган Ҳазрат Навоий «улус ичидан танлагани» вафот этгач, умрининг катта бир қисмини танҳоликда ўтказди. Умрининг охиригача бошқа кишига кўнгил қўймади. Унинг танҳоликда яшаганига кўп кишилар ҳайратланар, севги фожиасидан хабардор кишилар шоирнинг муҳаббатда поклигини эътироф этсалар, баъзиларда айрим ўринсиз шубҳалар ҳам пайдо бўларди. Биз бу масалаларни янада чуқуррок ўрганишимиз, шоир ижодининг мухлисларига унинг биографияси қирраларини кенгроқ ёритиб беришимиз зарур.

«Тому-таворих» асаридаги қимматли маълумотлар асосида кейинги вақтларда шоир таржимаи ҳолига оид бир қатор янгиликларга эга бўлдик. Профессор А. Ҳ. Ҳайитметовнинг маълумот беришларича «Томут-таворих»да шоирнинг отаси ҳақида ва Алишер Навоийнинг Самарқанддаги фаолияти ҳақида бир қатор муҳим факт ва далиллар келтирилган. Бу асарда хабар берилишича, шоир давлат арбоби сифатидаги фаолиятини Самарқанддалик пайтларидаёқ бошлаган. У «Чиғатой амири» деган унвонга ҳам шу ерда сазовор бўлган. Самарқандда Султон Аҳмад Мирзонинг мулозими сифатида ишлаган. Хондамирнинг «Макорим-ул-ахлоқ» асарида келтирилган айрим хотиралар ҳам «Томут-таворих»даги бу фикрларнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Маълум бўлишича, шоирнинг онаси Кобул шаҳрининг амирзодаларидан бўлган Шайх Абу Саид Чангнинг қизи бўлган. Шоир онасининг исми, оилада неча фарзанд бўлганлиги ҳалигача аниқланмаган. Алишер Навоийнинг Амир Низомиддин Шайх Баҳлул исмли акаси, Дарвешали исмли укаси бўлганини биламиз. Шунга кўра Алишер оилада ўртанчи ўғил бўлса керак, деб тахмин қилиш мумкин. Аммо шоир таржимаи ҳолининг яна бир қатор нуқталари, ижодининг айрим қирралари ҳали етарли ўрганилмаган.

БУЮК шоиримизнинг 550 йиллик тўйи яқинлашиб келмоқда. Бу катта миллий байрамни муносиб кутиб олиш учун юқоридаги муаммоларни иложи борича ҳал этиш, шу йўл билан шоир ижоди мухлисларини хушнуд этиш йўлларини қидиришимиз керак.

**Эргашали ШОДИЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор, ССЖИ Фанлар Академияси Бутуниттифоқ Шарқшунослар уюшмаси аъзоси.**

# Уч авлод учрашуви







**Олтин кузнинг охирги кунида авиасозлар маданият саройида «Ёр-ёр» деб номланган театрлаштирилган кеча бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармаси Ҳамза ноҳия маданият бўлими режалаштирган бу тадбир ноҳияда ўзларининг Марварид, Олтин, Кумуш тўйлари, никоҳ кечаларини нишонлаётганларга бағишланди.**

**«Замондош» маданият уйининг «Ижод» дастаси бадиий раҳбари Маъмуржон Машрапов «Ўзбегим» қўшиғи билан кечани бошлаб берди.**

**Неъмат ака Ҳасанов ушбу кечада куёвлик либосини кийибдилар. Бошловчи у кишига сўз берди. У киши бизнинг ранг-баранг удумларимиз ва бу борада ноҳия миқёсида қилинаётган ишлар ҳақида тўхталдилар. Сўзларининг ниҳоясида дастурхон атрофида йиғилган 25, 30, 50 йил бирга умр кўрган оилаларга янги келин-куёвларга бахт тиладилар. Бошловчи ҳам йиғилганлар номидан Ҳасановлар оиласини кумуш тўйлари билан муборакбод этди.**

**Даврага яхши ният билан оила қураётган бир жуфт ёш келин-куёвлар — Равшан ва Нилуфар Дўноновлар кириб келишди. Ноҳия ЗАГС бўлими мудираси лавозимини бажарувчи Дилором, Умурзоқова бу икки ёшга никоҳ гувоҳномасини топширар экан, уларни шу фурсатдан бошлаб бир оила аъзолари эканлигини эълон қилди. Яна бир бор «Тўйлар муборак» қўшиғи янгради.**

**Ўлкамизда тўқсон билан тўқнашиб, юз билан юзлашиб келаётган пиру-бадавлат отахонларимиз ва онахонларимиз бор. Абдували ота Усмонов 101 баҳорни қаршилаганлар. Ота 7 қиз, 3 ўғил, 57 невара, 35 эвара ва 20 чевaралари борлигини, «Подъёмник» заводида меҳнат қилганликларини гапириб бердилар, йиғилганларга мусаффо осмон, тани-сиҳатлик тиладилар. Отахонни маҳалладошлари ва фарзандлари ўртага олиб, муборакбод этишди. Кеча аҳли бу ерга баъзи сабаблар билан кела олмаган, Махмур маҳалласида яшовчи 105 ёшли Саври холани ҳам тилга олдилар.**

**Барчанинг қалбида ҳис-ҳаяжон, хурсандчилик уйғотган бу тадбир анчагача давом этди.**

Отабек ЙЎЛДОШЕВ.

## Таҳрирсиз жавобталаб мактублар

# ҲАҚИҚАТ ҚАРОР ТОПДИ, АММО...

Менинг бошимга қора кунларни солган кимса естиқдошим эканлигини қандай айтай. Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди. Тўрт йил ҳақиқат учун курашдим. 1986 йил апрель ойида хотиним Анзурат Мирова уйдан сабабсиз акасиникига кетиб қолди. Орадан 15 кун ўтгач, участка инспектори Муҳаммадиев келиб, уйдаги болта билан пичоқни олиб кетди. Кейин билсам, менга нисбатан Самарқанд ноҳияси прокуратураси томонидан ЎзССЖ жиноят кодексининг 85 ва 93-моддалари 2-банди билан иш қўзғатилган экан. Терговни Самарқанд ноҳияси ички ишлар бўлими терговчиси Ю. Ибрагимов олиб борди. Сўнг «ишим» ноҳия халқ судига ўтказилди. Кутилмаганда юз берган бу ишлар ҳаётимни остин-устин қилиб юборди. Ҳақиқат излаб ёзмаган ташкилот қолмади. 1988 йил 5 майгача Узоқ Шарқда жазо муддатини ўтадим. Умримни икки йилини қамоқхоналарнинг зах камераларида ўтказдим. Кейин билсам, Самарқанд вилоят суди раёсати ишимни кўриб чиқиб, менинг ҳаракатимда ЎзССЖ ЖКнинг 93-моддаси 2-бандида кўрсатилган жиноят аломатлари йўқ, деб ЎзССЖ ЖКнинг 85-моддаси билан белгиланган уч йил жазони ўзгартириб, 1 йил жазо қолдирган экан. Бу ҳақда 1987 йил 29 октябрь куни мени дарҳол қамоқдан озод қилиш тўғрисида вилоят суди раёсатининг қарори бўлган. Энг даҳшатлиси, бу қарор кимларнингдир тортмасида қолиб кетган. Оқибатда мен ортиқча 1 йил қамоқда ўтирганман.

Ушбу қарорнинг бажарилмаганлиги учун айбдорлар нега жазоланмайди? Ўз ишига совуққонлик билан қараган қонуншунослар бир соат қамоқхонанинг зах камераларида ўтириб кўрсинлар-чи? Нега энди уларнинг айби учун мен жабр чекишим керак. Уларни кимлар дерсиз. — Мана улар: Самарқанд ноҳияси ички ишлар бўлими терговчиси, милиция капитани Ю. Ибрагимов, Самарқанд ноҳиясининг собиқ прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Т. Турдиев, Самарқанд ноҳиясининг Улуғбек участка суди А. Шукуров.

1989 йил 23 июнь куни Ўзбекистон ССЖ Олий Судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати менинг ишимни назорат тартибида кўриб чиқиб, Самарқанд ноҳияси халқ судининг менга нисбатан чиқарган ҳукмини ва вилоят судининг ажримларини бекор қилиб, ишни бошқатдан кўриб чиқиш учун Самарқанд вилояти судига қайтарди. Самарқанд ноҳияси Равнақ участкаси (суд раиси М. Муҳамедов) кўриб чиқиб, қўйилган айблар судда тасдиқланмагани учун 1989 йил 28 сентябрь куни ишни қайта терговга қайтарди. Менга қўйилган айб ўз тасдиғини топмади ва у 1990 йил 8 июнь Самарқанд ноҳияси ички ишлар бўлими терговчиси милиция катта лейтенанти С. Аҳатов томонидан ЎзССЖ ЖПК 175[1]-моддаси 2-банди билан бекор қилинди.

Оз бўлсада, қаддимни тиклаб олдим. Лекин яна бир адолатсизлик билан юзма-юз келаяпман. Ота-онамдан қолган ҳовли, ўз пешона терим эвазига топган машинамни хотинимдан ололмай юрибман. Тўғри келган танишимникида ётиб юрибман. Хотиним яна бировларнинг нағмасига ўйнаб, туҳмат қилиб қаматиб юбормаса, деб қўрқаман. Охирги умидим сизлардан, оқни-оққа, қорани-қорага ажратиб берсаларингиз.

**Холмурод ТУРСУНОВ.**
**Самарқанд шаҳар, Октябрь кўчаси, 28-уй, 54-хона.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** Ойнасўзимиз талабига кўра, юқоридаги мақола таҳрирсиз чоп этилмоқда. Ачинарлиси шундаки, бундай мактублар сони озайиш ўрнига, кун сайин ортмоқда. Ҳақиқат излаб ёзилган бундай мактубларни таҳририятимиз текшириб, чора кўриш учун тегишли ташкилотларга юбормоқда. Х. Турсуновнинг ушбу шикоятини жумҳурият прокуратураси ҳукмига ҳавола этамиз. Ўйлаймизки, адолат қарор топади.

*Илк намойиш*

# САҲНАДА — «ТЎМАРИС»



ХАЛҚИМИЗ ҳар қандай даврда энг қалтис ҳолатлардан қутулишнинг йўлини, имконини топа олган. Чинакам халқ бўлиб бирлашган эл ҳеч қачон тушкунликка тушмайди. Зеро, бизнинг аждодларимиз ҳам Гўрўғли, Рустам, Алпомиш сингари тенгсиз қаҳрамонларни яратганларки, улар ҳамиша оғир кунларга хотима, ёруғ лаҳзаларга дебоча бўлиб, элни яхшиликка, эзгуликка етаклаган. Халқ ҳеч қачон ўз қаҳрамонини ўлдирмаган, ўлдирмайди ҳам! Унинг буюклиги ҳам, мангулиги ҳам шундадир!..

Бу эл афсонавий қаҳрамонлар билан басма-бас беллаша оладиган буюк шахсларни — Темурмалик, Жалолиддин, Тўмарис, Широқ, Муқанна каби фарзандларни кўксида камолга етказган элдир. Шу ўлмас сиймолар бугунгидек кескин ва ўзгарувчан даврда ҳам ўз халқига эш бўлиб, безовта кўнгилларга таскин бераётганлиги ҳам олижаноблик керак.

Шу йилнинг 7 декабрь оқшомида эл суйган қаҳрамонлардан бири Тўмарис Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек давлат академик драма театри саҳнасига чиқди. Истеъдодли ёш драматург Салоҳиддин Сирожиддинов асари асосида УзССЖда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг совриндори Рустам Ҳамидов саҳналаштирган «Тўмарис» спектакли томошабинларга кутилганидан ҳам кўпроқ ҳаяжон берди, ўз ўтмишини унутиб қўяёзган одамларнинг мудроқ ҳисларига руҳ бағишлади.

Тенгдошларингнинг асарлари катта театр саҳнасида, айниқса, Зикр Муҳаммаджонов, Ёқуб Аҳмедов, Гавҳар Зокирова, Малика Иброҳимова, Ширин Азизова, Толиб Каримов, Икрома Болтаева, Гулчеҳра Иброҳимбекова, Турғун Хонтўраев каби севимли санъаткорларимиз талқинида томоша қилиш жуда бошқача бўларкан. Муаллифнинг ҳаяжонланишини кузатиш ҳаммасидан ҳам мароқли. Умр пиллапоясидан бир поғона юқори кўтарилгандек ўзингни енгил сезаркансан!..

Биз Тўмарисни узоқ кутдик, у бизни шунчалар кўп кутдирдики, бу интизорлик қилган озми-кўпми гуноҳларимизга, анча-мунча хатоларимизга гувоҳ бўлди. Куникеча Ҳамза театри саҳнасини забт этган «Тўмарис» аслида 1984 йилнинг охири, 1985 йилнинг бошларида ёзилган эди. Буни қарангки, асар дунёга келгандан сўнг ҳам қарийб олти йил давомида ... Дастлаб, «Шамшир тутган аёл» деб номланган «Тўмарис» асари Муқимий номли ўзбек давлат музикали драма театри ҳамда Фарғона театрининг ғаладонларида ойлаб, йиллаб сақланди, қолаверса, эски шаҳарнинг эски ҳовлисидаги биттагина хонадан иборат бўлган ижара уйнинг тор токчаларида узоқ вақт қолиб сарғайиб кетди. Эҳтимол, унинг саҳифалари драматургнинг уч оғайни кичкинтой ўғилчалари Шоҳруҳ, Жасур, Шоҳбозларнинг қўлларида варрак бўлиб узоқ-узоқларга учиб кетгандир, эҳтимол, йиртилиб бир неча бор қайта-қайта ёзилгандир... Балки Салоҳиддин Сирожиддиновда «Тўмарис»ни саҳнада — томошабинлар билан бирга кўргунга қадар ҳам ўз асарининг рўёбга чиқишига ишонмагандир... Майли, нима бўлса ҳам Тўмарис саҳнага чиқди...

Икки пардали бу фожиада Момо Ер ва Бобо Қуёшнинг фарзанди бўлиб дунёга келган инсоннинг бошига тушган турли-туман мусибатлар, муҳаббатга ўтказилган тазйиқ, оналарга қилинган хиёнат, кўнгилни, неки ваҳшийликлар юз берган ва бераётган бўлса ҳамма-ҳаммаси рўй-рост қаламга олинган. Инсонни эътиқодидан айириш, ватанидан жудо қилиш ажалдан ҳам даҳшатлироқ ҳолат эканлиги таъкидланган.

Асар сўнггида ўз халқининг омонлиги ва икки элнинг бирлаштирмоқ йўлида фарзандининг — муҳаббатнинг яшаб қолмоғи учун массагетлар қабиласининг ҳокимаси Тўмарис золим Эрон шоҳи Кайхисрав ҳузурига боради. Тўмарис: «Майли, мени дунёдаги энг баланд дорга осинглар. Шамол титкилаб ташласин, олов ёндирсин! Мана мен қаршингиздаман, мени энг оғир ўлимга маҳкум этишингиз мумкин! Фақат менинг қоним энг охирги қон бўлсин!» — дея мардона таслим бўлади.

«Заминни зулмат қоплаб келмоқда! Кимнингки юрагида меҳр-муҳаббат, шафқат, садоқат ҳислари бор экан, шунча зулматга қарши ёниши мумкин!» деган ҳайқириқ Кайхисравни ҳам сескантириб юборади. Тўмарис ўғли Сапринагиз ва унинг севгилиси Эрон қизи Райҳонни ўлимдан озод қилиб, ўзини оловга отади. У томошабин кўз ўнгида ҳеч сўнмас оловга айланади, ёниб кетади! Асар «Она юраги ҳеч қачон алдамайди!», «Инсон мангу яшайди!» деган хулқ билан якунланади.

Шуни тан олиш керакки, Малика Иброҳимова Тўмарисни чинакам жанговар руҳ бериб ҳаётга етказиб ўйнади. Эрон шоҳи ниқобида саҳнага чиққан Ёқуб Аҳмедов кўнглида ваҳшийликка нисбатан нафрат, вазминликка қарши исён уйғотишга муваффақ бўлолди. Ёш актриса Маҳфуза Бобоэлтиева муҳаббат тимсоли бўлган Маганани шунчалар қойил қилиб ижро этдики, санъат мухлисларининг юзлари ишқ алангасидан ёришиб кетгандек бўлди.



Хулоса шуки, биз спектаклни мазза қилиб томоша қилдик. Ҳаммамизнинг эътиқодимизга айланган муқаддас сиймо, суюкли момомиз Тўмарис саҳнага чиқадию, қувонмай бўладими! Шу ўринда мени ўйлантириб қўйган битта мулоҳазамни ҳам айтиб ўтишга мажбурман. Шанба кунги «Ҳафтанома» кўрсатувида қандайдир битта тадбирда кўрсатилган «Хотинлар гапидан чиққан ҳангома» спектакли хусусида анчагина тўхталиб ўтилди. «Тўмарис»нинг премьерасига эса атиги бир неча дақиқа вақт ажратилди, холос... Бу нима деган гапки, ўзбекларга «миллатчи», «чайқовчи», «порахўр» деган тамғаларнинг тафти ҳали совиб улгурмаган бир пайтда улар «ўз эрларини ҳам пуллаб юбориш» даражасига бориб етдилармикан? Наҳотки, шу гап рост бўлса! Наҳотки, биз битта бачкана воқеани акс эттирган асарнинг тарғиботига ойларимизни, кунларимизни сарфласагу, «Тўмарис»ни лоақал ярим соат олқишлаш учун журъатимиз етмаса?!

Тушунолмайман! Майли, муаллифга тан бермайлик, санъаткорларнинг маҳоратига қойил қолмайлик. Бироқ, Тўмариснинг борлиги ҳақиқат-ку! Нега биз шу буюк сиймонинг қутлуғ қадамини олқишламаслигимиз керак!



«Тўмарис»нинг навбатдаги премьералари 18 ва 23 декабрь кунлари намойиш этилади. Мен бу асарни театрдан ихлоси қайтган ва қайтмаган барча юртдошларимизнинг кўришини истардим. Ажабмас, пойқадамларимиз хуш келиб, келгуси йилда Ҳамза театри саҳнасига Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Широқ каби эл суйган, ҳеч қачон ўлмайдиган қаҳрамонлар ҳам чиқса!..

**Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,**
**«Ёш ленинчи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** **«Тўмарис» спектаклидан кўринишлар.**

**А. РИСҚИЕВ (ЎзТАГ) ва К. РОМЕЕВ суратлари.**

**МИЛЛИЙ КУРАШ**

## Анъаналаримиз давом этмоқда

Кураш — халқимиз орасида қадим-қадимдан эъзозланиб келинаётган спорт турларидан бири. Воҳамиз меҳнаткашлари, кураш мухлислари ўз замонасининг машҳур полвони ва шоири бўлган Паҳлавон Маҳмуд номини ҳурмат билан тилга олишади. У Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон ва бошқа мамлакатларга сафар қилиб, ана шу мамлакатларнинг энг номдор полвонларини доғда қолдириб, «Енгилмас паҳлавон» номини олган.

Афсуски, афсонавий паҳлавоннинг жонажон юртида кураш бирмунча пайт ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Вилоят командасига тренерлик вазифасига тайинланганимдан сўнг, ишни яна қайтадан бошлашга тўғри келди. Миллий курашни яхши биладиган кексаларимиз, тренерлар ҳамда ёш полвонлар билан кўп дардлашардим. Узоқ давом этган баҳслардан номи унутилаёзган элдошимиз Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишлаб ўтаётган жумҳурият турнирини қайтадан тикладик.

Ҳурмат Қурбонов, Б. Матёқубов ўтган йили Паҳлавон Маҳмуд хотирасига ўтказилган жумҳурият турнирида, бу йил ўсмирлар жумҳурият шахсий чемпионатида ғолиб бўлди. Унга бу муваффақиятлари учун «Ўзбекистон ССЖ спорт устаси» фахрий унвони берилди. Мана, тўрт йилдирки, миллий курашчиларимиз жумҳурият, мамлакат ва халқаро мусобақаларда ҳам яхши натижаларга эришиб, мухлисларни хушнуд этишяпти.

Шунингдек, воҳамизда миллий курашимизнинг равнақига-равнақ қўшаётган янгиариқлик Ш. Жуманиёзов, хивалик Р. Шахмаев, боғотлик О. Куваров ҳамда урганчлик Н. Бекчанов раҳбарлигида болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари жамоаларининг ибратли ишлари алоҳида диққатга сазовордир.

Урганч шаҳридаги 1-сон вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси учун 1990 йил омадли келди. Мактабнинг бешта тарбияланувчиси ЎзССЖ спорт устаси бўлди. Шу мактабнинг тренери Р. Йўлдошев самбо бўйича мамлакат чемпиони, кейинчалик АҚШда бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида кумуш медал эгаси бўлди ва воҳамизда биринчи бўлиб халқаро классдаги ССЖИ спорт устаси бўлди.

Катта қийинчиликлар ортда қолиб халқимизнинг қадимий анъаналаридан бири миллий кураш изга туша бошлади. Мен бундан саккиз йил бурун «Анъаналаримиз қаерда қолди?» дея куйинган бўлсам, бугун ишонч билан АНЪАНАЛАРИМИЗ ДАВОМ ЭТМОҚДА дейман.

**Баҳодир БЕКЧАНОВ.**
**Миллий кураш бўйича Хоразм вилояти терма командаси тренери.**

*Янги шеърлар*

## НИДО

Тайинли масканим йўқдир сиғинсам,
Қайси авлиёга ишонсам экан?
Кимга суянайин агар ўғинсам,
Бормикан қалбидан ҳақ, эгам деган?

Бор бўлсанг, рўйхуш бер, бегуноҳ банда,
Бағримга босайин, эй порлоқ каъба.
Гуноҳга ботмай деб мен бўлдим банди,
Ёқамга туфлайман — алҳазар, тавба!

Нақшин кошоналар кўрмакка савоб,
Инжудай товланар қуёшда заррин.
Кимса топиларми этмакка тавоб?
Нопоклик тирнайди кўпларни қалбин.

Боши берк кўчага кирдик, хўш энди,
Мен кимни қарғашим керак бу кунда?
Аламдан қабариб бағрим тилинди,
Чақмоқ кесгандайин фалакни тунда.

Мана ошкоралик, кимки не деса,
Оғзига келганни айтиб юрибди.
Кимлар қўшиб айтар икки, уч ҳисса,
Кимлар айтганидан қайтиб юрибди.

Ошкора айтмоққа нима ҳам етсин,
Ким билар — балки бу охирги чора.
Меҳнаткаш, заҳматкаш халқ бугун нетсин,
Шунга ҳам шукрона айтиб юрибди.

Нафасни қайтарар турли-тумонат,
Ҳақсизлик, муомала бўлмиш ҳайвона.
Қайга бораяпмиз дер қай донишманд,
Йўл бўлсин дер кулиб таниш девона.

Мен шоир нима деб жавоб берайин?
Шайланар мен учун аталган тошлар.
Қўрқмас иложим йўқ, баъзан бетайин
Қарорлар ёзади айрим кир бошлар.

Улуғ эл ўғлисан, кимки зўр, соғар,
Шукрона айттириб абадул-абад
Муниснинг яғрини бўлганку яғир,
У ҳам кутгандиров оллодан мадад.

Муслимга тенг келмас ҳеч ким адабда.
Шукр дер турмуши бўлсада оғир,
Ўзим ҳақ дегани учун Ҳалафда,
Тириклай шилинган Насимий ахир.

Қай маҳал ўзлигин танигай бу халқ
У қачон муродга келиб етади?
Мендай бир шоирнинг боши кетади.
Шу ҳақнинг йўлида бошим садақа...

## МЕН СИЗНИ СОҒИНДИМ

Неча кундир ғамдир сирдошим,
Соғиндим, мен, сизни соғиндим.
Гоҳо етмас дейман бардошим,
Соғиндим, мен, сизни соғиндим.

Шунча узоқ кетмак мумкинми?
Бир ҳафта тарк этмак мумкинми?
Васлингизга етмак мумкинми?
Соғиндим, мен, сизни соғиндим.

Тегажоғлик қилса шаббода
Озор берма, дейман, мабода,
Нетай ахир ҳаддан зиёда
Соғиндим, мен, сизни соғиндим.

Термуламан, япроқлар ҳам жим,
Ҳаво босар, жаҳон тордир, дим,
Ёрдам бермас алоқамиз — сим,
Соғиндим, мен, сизни соғиндим.

Ошиқларинг сири-сирлилик,
Улуғларнинг пири-сирлилик,
Ер мани ахири сирлилик,
Соғиндим, мен, сизни соғиндим.

Кунлар ўтар имиллаб аста,
Ҳавотирсиз, одимлаб аста,
Олиб кетди ким имлаб, аста?
Соғиндим, мен, сизни соғиндим.

Келинг, учқур хаёлларим, бас,
Сизсиз қандай оларман нафас,
Яшолмасман дер Комил Аваз,
Соғиндим мен, сизни соғиндим.

**Комил АВАЗ.**

## КУЛГИ УСТАЛАРИГА ХЎЖАЛИК МУКОФОТИ

**Азиз ҳажвчи ва кулги усталари!**

**Ҳажвий асарингиз учун доимий қалам ҳақидан ташқари «Кўкдала» мукофоти олишга иштиёқманд бўлсангиз, шошилинг:**

**Шу йил 18 ноябрь кунидан эътиборан кулги ва ҳажв тарихида катта ўзгариш рўй берди. Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги «Кўкдала» давлат хўжалиги «Муштум» мажалласи билан 2000 йил 31 декабргача шартнома тузди. Бу келишувга биноан «Муштум» йилига камида 2 марта хўжалик меҳнаткашлари ҳузурида таниқли ҳажвчилар, хонанда-ю, созандалар, қизиқчилар, рассомлар иштирокида «Кулги кечаси» ўтказади. Бунинг эвазига давлат хўжалиги «Муштум»да чоп этилган энг яхши ҳажвий ҳикоя-ю, фельетонлар, шеър-у, расмлар учун йилига бир марта бериладиган «Кўкдала» мукофоти»ни таъсис қилади.**

**Бу воқеа бозор иқтисодиётига ўтиш арафасида содир бўлгани бежиз эмас, негаки моҳир кулги усталаримизнинг асарларини бозор нархида баҳолашга имкон яралди. Яъни:**

**— битта 1-мукофот — 500 сўм, бир қўчқор,**
**— битта 2-мукофот — 300 сўм, бир қўй,**
**— битта 3-мукофот — 200 сўм, бир серка,**
**— битта рағбатлантирувчи мукофот — 50 сўм, дакан хўроз.**

**Жумҳуриятимизда ҳали ҳажвий асар учун бунчалик катта соврин белгиланмаган. Шу боис шошилинг, бугундан қолдирмай асарларингизни «Муштум» тоға»га ҳам раво кўраверинг. Зора бахт кулиб боқса. Сизга омад, жумҳурият ҳажвий «хазина»сига равнақ тилаймиз.**

## ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ

**Она тилим, менинг оҳ она тилим**
**Муборак ёшингни қутлаймиз дилдан,**
**Бу бир ёш минг йиллар дебочасидир**
**Бахт, ёшлик кетмасин бу буюк элдан.**

Бу сатрлар Асакада, Ўзбек тили давлат мақомини олган куннинг бир йиллигига бағишланган адабий-мусиқали тантанада янгради.

Шаҳар халқ таълими бўлимининг муовини, жонкуяр ташкилотчи Зулфизар Маматқулованинг ташаббуси билан уюштирилган бу кечага мактаб ўқувчилари ва муаллимлари жалб қилинди. Йиғинни шаҳар халқ таълими бўлимининг мудири И. В. Ногай кириш сўзи билан очди. У барчани ўзбек тили байрами билан табриклади. Сўнг шаҳардаги 8- ва 7-ўрта мактаб ўқувчилари тайёрлаб келган адабий-мусиқавий кўринишлар намойиш этилди. Айниқса, 8-мактаб қошидаги мақомчи қизлар дастаси иштирокчилари ижро этган «Фидо» қўшиғи ва рақслари кўпчилик олқишига сазовор бўлди.

**Адиба ХУДОЙНАЗАРОВА,**
**муаллима.**

## Талаба тақдири

Аслида талаба тақдири кимни кўпроқ қизиқтириши, ташвишлантириши керак? У билим олаётган олий даргоҳними ёки шу олий билимгоҳни ўз тасарруфида деб билган вазирликними? У айни дамда яшаб турган шаҳар мутасаддисиними? Биз уларни бекорга санаётганимиз йўқ. Чунки айни дамдаги шарт-шароит тақозосига, кўра, улар талабаларнинг билим олиши учун масъулдирлар. Шундан келиб чиқиб, талаба тақдири ҳам уларни кўп қизиқтиради, дейиш мумкин. Аммо талаба билим олиб, бирор касб эгаси бўлиб қаёққа боради? Кимга хизмат қилади? Яна аниқроғи, у яхши мутахассис бўлиб етишса, кимга фойда, ёмон мутахассис бўлиб етишса кимга зарар? Шу саволлар жавобидан келиб чиқадиган бўлсак, талаба тақдири учун энг кўп қайғурувчи бу охир-оқибатда талабадан мутахассис сифатида фойдаланувчи бўлганлар лозимлигини англаш мумкин.

Ғузор ноҳияси фирқа, ижроия қўмитаси, халқ маорифи бўлими ходимлари бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўриш пайти етди деган хулосага келдилар. Ахир ғузорлик ёшлар қайси билим масканида таълим олишидан қатъи назар касб-корли бўлиб асосан ўз туғилиб ўсган жойи — Ғузорга қайтади ва шу ерда меҳнат қилади. Шунинг учун улар тақдири билан ноҳиядошлар ҳам жиддий қизиқиши керак.

Бу борада илк қадам — ноҳия халқ маорифи бўлими ташаббуси билан ўтказилган ноҳия мутасаддиларининг ғузорлик талабалар билан учрашуви бўлди.

Дастлабки учрашув Ғузорда талабаларнинг байрам таътилларида ўтказилди. Учрашувда талабаларнинг дастлабки устозлари — ўқитувчилар, ота-оналар, ноҳия ташкилотлари раҳбарлари иштирок этишди. Ноҳия фирқа қўмитасининг биринчи котиби О. Пармонов талабалар билан ҳамкорлик қилиш масъулияти унинг йўллари ҳақида гап бошлаш билан кўплаб таклифлар, мулоҳазалар, муаммоларни ўртага ташлади. Талабаларнинг мунозарали саволларига фирқа қўмитаси котиби, халқ маорифи бўлими мудири, хўжалик, корхона, ташкилот раҳбарлари жавоб беришди.

Учрашувда ўртага ташланган фикрларнинг ўзиёқ бундай учрашув ва шу асосда амалий ишга ўтишни англатди. Бу тадбир кўлами кенгайиб Тошкентга кўчди. Орадан бир кун ўтиб ғузорлик талабалар Тошкент Давлат дорилфунуни санъат саройида яна йиғилдилар. Учрашувда ТошДД проректорлари, профессорлар Ў. Н. Мусаев, Т. Сатторов, Р. Набиуллин, Тошкент қишлоқ хўжалик олий билимгоҳи фирқа қўмитасининг котиби Ў. Шоумаров ва бошқа олий билимгоҳлар вакиллари ҳозир бўлдилар. Мулоқотни бошқарган ноҳия халқ маорифи бўлими мудири амалий ишнинг бошланиши деб атади. Бу ерга келган ғузорлик раҳбар ходимлар, мутахассислар, устозлар, ота-оналардан бир гуруҳи талабаларнинг таълим олиш жараёни, яшаш шароити билан танишиш учун бир неча кун аввал келишганди. Ўз-ўзидан бу ўринда камчиликлар ўртага қўйилди. Аввало, талабаларнинг ўқув жараёнига тўлиқ қатнашиши муаммоси, ғузорликлар, айниқса, мактаб педагоглари бу борада ўртага ташланаётган ўқув жараёнига қатнаш ихтиёрийлиги масаласига қўшила олмасликларини баён қилишди. Ётоқхоналардаги кўнгилсизликларда эса талабаларнинг ўзлари ҳам айбдор эканликларини тан олишга тўғри келди. Дорилфунун проректори, профессор Ў. Н. Мусаев ғузорликлар бундай ҳамкорлик педагогикаси тадбирини бошлаб хайрли ишга қўл урганликларини, бу таълим-тарбия ишида катта самара беришини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Талабалар ноҳия раҳбарлари таътил, байрам кунларида ўз ота-оналари ҳузурига келиб кетишда чекаётган йўл азобларини енгиллаштириш йўллари ҳақида ўйлашни ўз зиммаларига олсалар мақсадга мувофиқ бўларди, деб таъкидладилар. Учрашувда ноҳия мактаблари педагоглари К. Турсунов, С. Саидов, П. Тўхтаев, Тошкент олий билимгоҳларида таълим бераётган ғузорлик олимлар — фан номзодлари Суннатилла Аҳмедов, Очил Мавлонов, Бозорбой Чориевлар ўз таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташлашди. Ғузорлик шоир Чори Аваз янги шеърларидан ўқиб берди. Шундан сўнг учрашувни доимий ўтказиб бориш ҳақида келишиб олинди.

**Ҳуррам ЖАЛИЛОВ,**
**Қашқадарё вилояти, Ғузор ноҳиясидаги Калинин номли мактаб директори.**
**Гўзалхон АЛИЕВА,**
**ТошДД талабаси.**

### ТВ

**13 ДЕКАБРЬ — ПАЙШАНБА**

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Узоқ йўлдаги учрашувлар». Болалар учун фильм. 12.00 «Таушен». Телефильм. 12.30 Такрорий фильмлар экрани. «Муджиш хато». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Шоҳ ва қовун». Мультфильм. 18.25 Баскетбол бўйича ССЖИ чемпионати. «Узстроймеханизация» (Тошкент) — Киев Армия спорт клуби. 19.05 «Ҳуқуқ ҳаётимизда». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Фармон ва ижро». 20.00 «Қўшиқ айтиш орзуим». Мусиқий кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Мусиқа истиқболи эгалари». Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси талабалари билан мусиқий учрашув. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Жадвалдан ташқари поезд». Бадиий фильм (Одесса киностудияси). 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби

● ЎзТВ II

19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 Туркистон ҳарбий округи ҳаётидан лавҳалар (рус тилида). 20.05 «Булоқ бошидаги кўзача». Телефильм. 20.35 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Безнен мирас». Татар композитори С. Сайдашевнинг 90 йиллигига. 21.15 «Сукут сақлансин, ёзаяпмиз!». Телефильм.

**ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:**

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 XII чақириқ Тожикистон ССЖ Олий Кенгашининг тўртинчи сессиясида. 23.00 «Чашни камолот». С. Айний номидаги академик опера ва балет театрининг 50 йиллигига бағишланади.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 «Шантаж». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4 ва 5-сериялар. 11.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 12.55 Коллаж. 13.00 «Вақт». 13.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 13.55 «Бор бўл, мусиқа!». Москва — Варшава телекўприги.

* * *

17.05 «Қўлқоп». Мультфильм. 17.15 «Мусиқий хазина». Л. Бетховен. 3-Қаҳрамонлик симфонияси. «Гавандхауз-оркестри» ижро этади. Дирижёр — Курт Мазур. 18.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.50 Долзарб интервью. 19.00 «Вақт». 19.30 «Ишбилармон курьер». 19.55 «Шантаж». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия. 21.30 «Вақт». 22.00 Союзлар уйининг Колонна залида баянчи-аккордеончилар I халқаро танловининг якунловчи концерти. 24.00 «ТСН» 00.15 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

9.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.

**Ўқув программаси**

9.15 «Леннаучфильм» киностудиясининг фильмлари. «Мулоҳаза». 9.35, 10.35 Табиатшунослик. 4-синф. Текислик, тепалик, жарлик, тоғ. 10.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35 12.35 Адабиёт. 10-синф. М. Е. Салтиков-Шчедрин. «Эртаклар». 12.05 «Бурда моден» таклиф этади...». 13.05 Ритмик гимнастика. 13.35 Такрорий телефильмлар сеанси. «Дала ҳовли воқеалари», 7-серия — «Ютуқлар кўргазмаси».

* * *

17.25 Л. Тимофеева чалади (фортепьяно). 18.25 «Қарама-қаршиликлар проспекти» (Воронеж). 18.55 Коллаж. 19.00 «Вақт». (сурдо таржима билан). 19.30 Ритмик гимнастика. 20.10 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қўлбола эртаклар». 20.25 «Америкадан мактублар». 2-кўрсатув. 21.25 «Русичи» фольклор дастаси ижро этади. Вильнюсдан кўрсатилади. 22.00 Информацион программа. 24.00 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида.


Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ
Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58.
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Д. — 28632.